

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИГМАТОВА ЛОЛАХОН ХАМИДОВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ЛУҒАТЧИЛИГИДА ТИЛ ВА
МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИ МУАММОСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

УДК:811.512.133'374

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Нигматова Лолахон Хамидовна

Мустақиллик даври ўзбек луғатчилигида тил ва маданият муштараклиги муаммоси.....

Нигматова Лолахон Хамидовна

Проблемы единства языка и культуры в узбекской словаристике периода независимости.....

Nigmatova Lolahon Khamidovna

The problem of common language and culture in the Uzbek lexicon of the independence period.....

Эълон қилинганишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИГМАТОВА ЛОЛАХОН ХАМИДОВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ЛУҒАТЧИЛИГИДА ТИЛ ВА
МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИ МУАММОСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Fil178 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетинда бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Бухоро давлат университетининг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Менглиев Бахтиёр Ражабович,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раупова Лайло Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Маматов Абди Эшонкулович
филология фанлари доктори, профессор

Шахобиддинова Шохида Хошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «13» декабр соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14)

Диссертация автореферати 2021 йил «13 декабр» кунин тарқатилди.

(2021 йил «13 декабр» даги 14-рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ҳасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор.

Ш.Ф. Давронова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент.

Ғ.Н. Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги фаннинг турли йўналишлари ҳамда бўлимларида тил ва маданият муштараклиги муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқдаки, бунда лингвокультурология йўналишининг махсус соҳа сифатида ривожланаётганлиги, айниқса, эътиборга молик. Умумлингвистик луғатларда тил ва маданият муштараклиги масаласи кенг қамровли ифода топаётганлиги билан бир қаторда, махсус лингвокультурологик луғатларнинг ҳам яратилаётганлиги, энциклопедик манбаларнинг вужудга келаётганлиги дунё миқёсида тараққиётнинг бардавомлигини маданият, маънавий белгилаши билан боғлиқ. Айниқса, дунё тил корпусларида тил ва маданият муштараклиги ифодаси, луғатчилигида тил ва маданият муштараклигини таъминловчи ташқи, ички ва лингвистик омиллар аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида борлиқни лисоний идрок этиш соф миллий характерга эгаллиги умумэътироф этилган. Шунинг учун жаҳон миқёсида миллий маънавий ва қадриятлар миллатлар яшовчанлигининг ҳал қилувчи, асосий воситаси бўлиб қолаётган бугунги глобаллашув шароитида тилдаги миллий-маънавий «мағиз»ни тадқиқ қилиш ва илмий хулосаларни лексикографик қайд этиш, жаҳоннинг изоҳли, умумий ҳамда махсус луғатларида тил ва маданият уйғунлиги ифодасини ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда академик, оммабоп ва ўқув филологик сўзликларда, алфавитли ва системали луғатларда мазкур сўзларни бериш ҳамда изоҳлаш муаммолари, махсус лингвомаънавийшунослик луғатлари ва қомусларини тузиш масалалари, шунингдек, таржима ва гиперлуғатларда, миллий корпусларда лексик birlikларнинг моҳиятини очиб бериш каби масалаларни ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бинобарин, «...давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш; давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш»¹ бугунги кунда ўзбек компьютер лингвистикаси олдида турган долзарб вазифадир. Шу маънода мустақиллик даври ўзбек лексикографиясини лингвомаданий ва лингвомаънавий аспектда ўрганиш, ўқув луғатчилигида тил ва маданият муштараклиги масаласини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>

тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Луғатларда тил ва маданият муштараклиги муаммоларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан, University of Pennsylvania, University of California, Northwestern University, Boston University (АҚШ); Australian National University (Австралия); University of Nice Sophia Antipolis, University of Bordeaux (Франция); Oxford University Language Centre (Англия); Peking University (ХХР); Sophia University, University of Tokyo (Япония); Baki Dövlət universiteti (Озарбайжон); Москва давлат университети, Бошқирдистон давлат университети (РФ); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида лексикография, луғатчиликнинг умумий тамойиллари, тил системаси ва нутқ масаласи, рус-туркий луғатларини тузиш, луғат бирликларини изоҳлаш, уларнинг лексикографик талқини, луғатларга сўз танлаш принциплари, руҳшуносликдаги сезиш, англаш категориялари луғатда, сўз танлашда, луғатга олинаётган сўзларнинг янгилиги, психологияда сезиш объектни қисман билиш, англаш уни тўлиқ қамраб олиш кабиназарий ва амалий масалалари доирасида тадқиқотлар олиб борилган. Лексикография, луғатчиликнинг умумий тамойиллари, тил

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.utexas.edu, www.berkeley.edu, www.northwestern.edu, www.bu.edu, adwww.ecu.edu.au, unice.fr/en, www.u-bordeaux.com, www.lang.ox.ac.uk, english.pku.edu.cn, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp/en, bsu.edu.az, www.msu.ru, www.bashedu.ru, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

системаси ва нутқ масаласи Л.В. Щерба³, лексикография ва луғатчилик, рус-туркий луғатларини тузиш масалалари А.А. Юлдашев⁴, луғат бирликларини изоҳлаш, уларнинг лексикографик талқини, луғатларга сўз танлаш принциплари А.К. Боровков⁵, изоҳли луғатларнинг халқ маданиятидаги ўрни Р.А. Будагов⁶, академик луғат тузиш амалиёти бўйича В.В. Виноградов⁷, лексикографиянинг назарий ва амалий масалалари В.В. Дубичинский⁸ монографик ишларида, ассоциатив луғатлар ва уларда муайян бирликларнинг берилиши масаласи Ю.Н. Караулов⁹, романтизм даври поляк адиблари XIX асргача бўлган тил билан шу асрнинг биринчи ярмига бўлган тил орасидаги тафовутнинг луғатларда акс этиши муаммоси Я. Парандовский¹⁰, руҳшуносликдаги сезиш, англаш категориялари луғатда, сўз танлашда, луғатга олинаётган сўзларнинг янгиллиги, психологияда сезиш объектни қисман билиш, англаш уни тўлиқ қамраб олиш масаласи Б.Г. Ананьев¹¹ тадқиқотларида атрофлича ўрганилган.

Тилни лингвокультурологик аспектда тадқиқ этиш янги соҳа бўлишига қарамай жаҳон тилшунослигида анча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, лингвокультурологиянинг асосий тушунча ва принциплари, В.А. Маслова¹², лексикографик бирликлар тадқиқи масаласи Р.Х. Хайруллина¹³, А.А. Матвеева¹⁴ тадқиқотларида, лексикографияда антропоцентрик ёндашув муаммоси В.В. Морковкин¹⁵, реалияларнинг ўқув луғатларида акс этиши Л.К. Муллағалиева¹⁶, лингвистик корпусларда рус тилининг социал коммуникатив хусусиятлари масаласи Л.В. Рычкова¹⁷ ўрганилган. Шунингдек, номинатив

³ Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии // В его кн.: Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974.; Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974.

⁴ Юлдашев А.А. Принципы составления тюркско-русских словарей. – М., 1972.

⁵ Боровков А.К. Названия растений по Бухарскому списку “Мукаддимат-ал-адаб // Тюркская лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1971.; Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит на основе русской графики. Известия УзФДН. – Ташкент, 1940. – № 7.

⁶ Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – М.: Изд-во МГУ, 1989.

⁷ Виноградов В.В. Семнадцатитомный академический словарь современного русского литературного языка и его значение для советского языкознания // Вопросы языкознания. – М., 1966. – № 6.

⁸ Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит на основе русской графики. Известия УзФДН. – Ташкент, 1940. – № 7.

⁹ Караулов Ю.Н., Сорокин Ю.С., Тарасов Е.Ф., Уфимцева Н.В., Черкасова Г.А. Русский ассоциативный словарь. – М., 1994. Т. 1. – С. 5-8.; Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. – М., 1994. Т. 1. – С. 191-218.

¹⁰ Парандовский Я. Алхимия слова. – М., 1972.

¹¹ Ананьев Б.Г. Психология чувственного познания. – М., 1960.

¹² Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – С. 60.

¹³ Хайруллина Р.Х. Соотносительная лингвокультурология. – Уфа, 2014. – 392 с. – С.138.

¹⁴ Матвеева А.А. Оценочная параметризация лингвокультурологической категории «свой – чужой» в английском языке. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2010. – С. 338-349.

¹⁵ Морковкин В.В. Антропоцентрический versus лингвоцентрический подход к лексикографированию // Национальная специфика языка и её отражение в нормативном словаре. – М., 1988. – С. 132-133.

¹⁶ Муллағалиева Л.К. Учебный словарь «Реалии русской культуры» как основа формирования этнолингвокультурологической компетенции учащихся. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Уфа, 2002. – 26 с.

¹⁷ Рычкова Л.В. Изучение социально-коммуникативных особенностей русского языка на основе использования лингвистических корпусов региональных средств массовой информации (на примере корпуса гродненщины) // Universitas Catholica Rosenbergensis. Studia russico-slovaca. – Ružomberok, 2014. – С. 48-58.

бирликлар семантикасининг коннотатив аспекти В.Н. Телия¹⁸, сўз лексик маъносининг баҳо компоненти С.С. Хидекель, Г.Г. Кошель¹⁹ ишларида таҳлилга тортилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва ўзбек фанида Аристотель, Цицерон, Квинтилиан, И.М. Сеченов; А.А. Потебня, К. Леви-Стросс, Э.Б. Тайлор, Ч. Пирс, В. Пропп, З. Фрейд, Ж. Деррида, В.Н. Башилов, Е.М. Мелетинский, В.А. Маслова, Н.Б. Мечковская, А.Ф. Лосев, А.С. Толстов, Н.П. Баришников, Л. Шерба²⁰, Н. Махмудов, М. Жўраев, А. Эркаев, Ж. Миллер, Э. Маккормак, Х. Ортега-и-Гассет, М. Блэр, Н.Д. Арутюнова, М. Жонсон, Ж. Лакофф, А.П. Чудинов, А.Н. Баранов, О.Свирепо, М. Минский, Х. Плеснер; Г.Н. Складневская, О.Н. Лагуа каби олимлар томонидан тил ва маданият муштараклиги муаммоси кенг ўрганилган.

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари – ўзбек луғатчилигининг ибтидоси, Махмуд аз-Замашарийнинг «Асос ул-балоға», «Муқаддимат ул-адаб», муаллифи номаълум «Абушқа» изоҳли луғати, Толе Имоний Ҳиравийнинг «Бадое ул-луғат», Муҳаммад Ризо Хоксорнинг «Мунтахаб ул-луғат», Мирзо Меҳдихоннинг «Санглох», Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома», Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чигатой ва турки усмоний» («Чигатойча-туркча луғат»), Исҳоқхон Ибратнинг «Луғати ситта ас-сина» («Олти тилли луғат») каби луғатлари ўзбек луғатчилигининг тамал тошлари бўлди. 20-аср ўзбек луғатчилиги ривожига А. Зоҳирий, А. Қодирий, Е.Д. Поливанов, А.К. Боровков, В.В. Решетов, С. Иброҳимов, Олим Усмон, З. Маъруфов, Ш. Раҳматуллаев, Н. Маматов, А. Ҳожиев, Т. Алиқулов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Н.Маматов ўзбек тилида пахтачилик терминологияси тадқиқи натижасида пахтачиликка алоқадор бўлган бир ярим мингдан ортиқроқ сўз ва атамани²¹, Ш.Шоабдурахмонов ўзбек халқ шеваларининг адабий тил лексикасининг бойишида тутган ўрнини²² анча кенг ёритиб чорвачилик ривожланган йирик иқтисодий туманларда тарқалган ўзбек шеваларида соҳага оид халқ терминологияси жуда тараққий этганлигини кўрсатди. Академик Т. Зоҳидовнинг «Зоология энциклопедияси» номли асарида 450 га яқин қушларнинг номлари, проф. Р.Х. Маллин бошчилигида тузилган «Ўзбекча-русча физика терминлари» луғатида йигирма мингдан ортиқ терминлар тўпланди. Шунингдек, ботаника, химия, биология, геология, тилшунослик, адабиётшунослик, география каби фанлар соҳасида ҳам шундай луғатлар яратилди. Мустақиллик мафқураси билан суғорилган турли луғатлар, хусусан, Н. Мирзаевнинг «Ўзбек этнографизмларининг изоҳли луғати» (1991), Н. Тўхлиев, А.Ўлмасовларнинг «Ишбилармонлар луғати» (1993), «Мустақиллик илмий-оммабоп луғати» (1994), С. Қораевнинг

¹⁸ Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М., 1986. – 144 с. – С. 11.

¹⁹ Хидекель С.С., Кошель Г.Г. Оценочный компонент лексического значения слова // Иностранные языки в школе. М.: Просвещение, 1981. – № 4. – С. 7-10.

²⁰ Щерба Л.В. О словарях живого литературного языка // Современная русская лексикология. – М.: Наука, 1966. – С. 74-75.

²¹ Маматов Н. Ўзбек тилида пахтачилик терминологияси. – Тошкент, 1955.

²² Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962.

«Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати» (2001), А.Ҳожиёвнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати» (2002), Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати» (2002), «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат)» (2002), 12 жилдли «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» (2000–2006), Э. Бегматов, Н. Улуқовларнинг «Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати» (2006), «Иш юритиш бўйича электрон луғат» (2006) сингари луғатлар яратилди. Улардан халқимизнинг бой маънавий хазинаси ўз ўрнини топди. Шунингдек, мустақиллик йилларида маънавий атовчи бирликлар қисман тадқиқ этилди²³.

Таълимнинг турли бўғинлари учун мўлжалланган ўқув луғатларини тузиш назарияси ишлаб чиқилди ва шу асосда яратилган ўқув луғатлари амалиётга жалб этилди. Бу соҳа тараққиётида С. Жонсон, Ж. Дюбуа, К. Дюбуа, Г. Маторе, Б. Кюмада, Я. Малкил, К.Д. Бак, С. Бархударов, П.Н. Денисов, Л.А. Новиков, В.В. Морковкин, В.Г. Гак, В. Крюк, В.В. Дубичинский, Т. Жеребило ва бошқалар²⁴нинг хизматлари катта бўлди.

Тилнинг инсон руҳи билан боғлиқликдаги²⁵, тил ва тафаккур муносабати²⁶, лингвокултурология масалалари²⁷, ассоциатив тилшунослик назарияси тадқиқи²⁸га алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек тили корпусларини

²³ Тожиева Г. Ўзбек тилининг қисқача маънавий лингвокултурологик қомусий луғати. – Тошкент: Академнашр, 2017. – Б.27.

²⁴ Jonson S. The plan of a Dictionary of the English Language. – London, 1747, P. 4-5; Dubois J. Dictionnaire et discours didactique. – “Langages”, P/1970, P. 42-42; <http://pageperso.lif.univ-mrs.fr/~paul.sabatier/Dictionnaires-Dubois.pdf> (Paul Sabatier über die elektronischen Wörterbücher der beiden Dubois, französisch); [https://en.wikipedia.org/wiki/Jean_Dubois_\(linguist\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Jean_Dubois_(linguist)); Matorе G. Histoire des dictionnaires français. – Paris, LAROUSSE, 1968, 278 p.; Quemada B. Les Dictionnaires du français moderne. 1539-1863. – Paris, 1968.; Malkiel J. Distinctive features in lexicography: A typological approach to dictionaries. Pomance Philology, vol. XIII., No.2. Nov., 1959.; Buck C.D. A Dictionary of selected synonyms in the principal Indo-European languages. – Chicago, 1949.; Денисов П.Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. – М., 1974; Денисов П.Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. – М., 1974.; Денисов П.Н. О конструктивном подходе к созданию системы учебных словарей русского языка для иностранцев // Яшкү jazyk, 1977, – № 1, С. 8-13.; Денисов П.Н. Принципы отбора лексики для учебных словарей // Вопросы учебной лексикографии / Под ред. П.Н. Денисова и Л.А. Новикова. – М., 1969.; Денисов П.Н., Морковкин В.В., Новиков Л.А. Проспект учебного словаря сочетаемости слов русского языка. – М., 1971. Денисов П.Н. Основные проблемы теории лексикографии. Автореф. дис. ... док. филол. наук. – М.: АН СССР, Ин-т рус. яз., 1976. – 43 с.; Новиков Л.А. Учебная лексикография и её задачи // Вопросы учебной лексикографии / Под ред. П.Н. Денисова и Л.А. Новикова. – М.: Изд. МГУ, 1969, – С. 3-11.; Морковкин В.В. Идеографическое описание лексики (анализ слов со значением времени в русском языке). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М.: Изд-во ун-та Дружбы народов им. П. Лумумбы, 1973. – С. 24; Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии: Дис ... док. филол. наук. (в форме научного доклада). – М., Институт русского языка им. А.С.Пушкина, 1990. – С. 72; Морковкин В.В. К вопросу об учебном тематическом словаре // Русский язык в национальной школе, 1970. – № 2; Морковкин В.В. Опыт идеографического описания лексики (анализ слов со значением времени в русском языке). – М.: Изд. Моск. ун-та, 1977. – С. 166-169; Морковкин В.В. Учебная лексикография как особая лингвометодическая дисциплина // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – М.: Русский язык, 1977. – С. 28-37; Морковкин В.В., Сафьян Ю.А., Степанова Е.М. и др. Лексические минимумы современного русского языка. / Под ред. В.В. Морковкина. – М.: Русский язык, 1985. – 608 с.; В.Г. Гак. Общие вопросы учебной лексикографии. – М.: Русский язык, 1977;

²⁵ Зикриллаев Ф. Руҳ ва тил. – Тошкент: Фан, 2018;

²⁶ Усмонов Ф. Тил ва тафаккур муносабати ва тилшуносликда антропоцентризм тамойили хусусида. Илмий хабарнома, АДУ, 2015 йил. – № 2. – 94 б.

²⁷ Махмараимова Ш.Т. Лингвокултурология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2017. – 164 б.

²⁸ Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: MERIYUS, 2017. – 140 б.

тузиш тамойиллари, параллел корпусларда қиёсланаётган тиллар маданиятининг намоён бўлиши муаммолари алоҳида тадқиқот объекти бўлди²⁹. Аммо лингвокультурологик лексикография масаласи назарий талқинларида муаммолар мавжуд.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек тилини лисон-нутқ» аспектида ўрганиш, тил таълими масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида тил ва маданият муштараклигининг лексикографик талқинларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

мустақиллик даври ўзбек луғатчилигида тил ва маданият муштараклигини таъминловчи ташқи, ички ҳамда лингвистик омилларни аниқлаш;

жаҳоннинг изоҳли, умумий, махсус луғатларида тил ва маданият уйғунлиги ифодасини ёритиш;

ўзбек тилининг ўқув луғатлари, ўзбек тилининг мактаб ўқув луғатларида тил ва маданият яхлитлиги талқини масаласини тавсифлаш;

дунё тил корпусларида тил ва маданият муштараклиги ифодасини очиб бериш;

ўзбек тили умумий ҳамда махсус корпусларида тил ва маданият уйғунлиги муаммосини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тили луғатлари, насрий ва назмий матнлар, матбуот саҳифаларида алоҳида эълон қилинган манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тили луғатлари ва ўзбек тили корпусида тил ва маданият муштараклиги масаласи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, диахрон, синхрон, тарихий-этимологик, семантик-структур, лингвокультурологик ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақиллик даври ўзбек лексикографияси лингвомаданий ҳамда лингвомаънавий аспектда баҳолаиб, мустақиллик даври ўзбек луғатчилигида тил ва маданият муштараклигини таъминловчи ташқи, ички ва лингвистик омиллар аниқланган;

жаҳон изоҳли луғатчилигида тил ва маданият уйғунлиги, ўзбек тили умумий изоҳли луғатларида тил ва маданият яхлитлиги, ўзбек тили махсус изоҳли луғатларида тил ва маданият муштараклиги далилланган;

²⁹ Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: филол. фан. б. фалс. док. диссертацияси. – Бухоро, 2018. – 250 б. – Б. 161.; Karimov R.A., Mengliev B.R. The Role of the Parallel Corpus in Linguistics, the Importance and the Possibilities of Interpretation / International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) ISSN: 2249–8958, Volume-8, Issue-5S3 July 2019 // <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v8i5S3/E10830785S319.pdf>.

жаҳон ўқув луғатчилигида тил ва маданият муштараклиги; ўзбек тилининг мактабгача таълим луғатларида, ўзбек тилининг мактаб ўқув луғатларида тил ва маданият яхлитлиги очиб берилган;

дунё тил корпусларида тил ва маданият муштараклиги ифодаси, ўзбек тили умумий корпусларида тил ва маданият уйғунлиги, ўзбек тили махсус корпусларида тил ва маданият яхлитлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек лексикографияси ва луғатчилигининг янгиланиш тенденциялари ҳамда лексикографик талқинларда тил ва маданият муштараклиги муаммоси аниқланган;

жаҳон изоҳли луғатчилигида тил ва маданият уйғунлиги ифодаси; миллат лингвомаданиятидаги маданий асослар ҳамда ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида тил ва маънавий яхлитлиги муаммоси ёритилган;

жаҳон ўқув луғатчилигида тил ва маданият муштараклиги ифодаси; мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари учун яратилган луғатларда тил ва маданият уйғунлиги, ўзбек тилининг мактаб ўқув луғатларида тил ва маданият яхлитлигининг мукамаллашуви масалалари очиб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лингвистик таҳлил методологияси негизида шакллантирилганлиги, бирламчи илмий-услубий манбаларга таянилганлиги, ишончли ва самарали тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулосалардан ўзбек миллий луғатчилигини такомиллаштириш, тилни лингвокультурологик ва лингвомаънавий тадқиқ қилиш йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Тилшунослик назарияси», «Ҳозирги ўзбек тили», «Ўзбек тили тарихи», «Лексикография асослари», «Ўзбек терминологияси», «Ўзбек тилшунослиги тарихи» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, оммавий ахборот воситаларида давлат тилини ривожлантириш, тил маданиятини тарғиб этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Жаҳон ҳамда ўзбек лексикографияси ва луғатчилигининг янгиланиш тенденциялари ҳамда лексикографик талқинларда тил ва маданият муштараклиги ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

мустақиллик даври ўзбек луғатчилигида тил ва маданият муштараклигини таъминловчи ташқи, ички ҳамда лингвистик омиллар устида ишлаш жараёнида жаҳон ва ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида тил ва маданият яхлитлиги муаммоси билан боғлиқ назарий

асослардан I-OT-2019-42 «Ўзбек ва инглиз тилларнинг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатни яратиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2019-2021) фойдаланилган (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 89-03-5618-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа материаллари ўзбек ўқув луғатчилигида тил ва маданият яхлитлигига асосланган меъёрий ўқув луғатларини яратишга оид янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

ўзбек тилида тил ва маданият муштараклиги борасидаги, хусусан, мулоқот жараёнини шахс-нутқ кесиммасида амалий тадқиқ этиш асносида нутқнинг социал хосланганлик хусусиятларини аниқлаш, нутқ бирликларини тавсифлаш, нутққа ёндош паралингвистик воситаларни кузатиш ва матнга культурологик ёндашув асосида унинг идрок этилишига доир назарий хулосалардан OT-Ф1-18 «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2017–2020) фойдаланилган (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5150-сонли маълумотномаси). Натижада, мулоқотнинг оммавий турлари шаклланинг назарий талқини мукаммаллашган;

ўқув луғатларининг тил воситасида миллий маданият, маънавиятнинг инсон онига сингдирилишидаги ўрни, луғатларда халқ руҳияти, маънавий қиёфаси, инсоний сифатларининг акс этиши, тил, маданият, маънавият муштараклиги хусусидаги назарий қарашлардан «S-UZ800-18-GR-002» - рақамли«Access-STEM» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2018–2020) фойдаланилган(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги № 89-03-5150-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида икки тилли луғатларни яратишда тил, маданият ва маънавият муштараклигини таъминлаш тамойилларининг мукаммал даражада ишлаб чиқилишига эришилган;

луғатчиликда тил ва маданият муштараклигини таъминловчи ташқи, ички ва лингвистик омиллар, жаҳон изоҳли луғатчилигида, жумладан умумий изоҳли, махсус изоҳли тил ва маданият уйғунлиги ифодаси, дунё тил корпусларида Ўзбек тили умумий ва махсус корпусларида тил ва маданият муштараклигини ифодаловчи бирликлар тавсифи ҳақидадаги хулосалардан «Ҳозирги ўзбек тили» дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5150-сонли маълумотномаси). Натижасида ўзбек ўқув луғатчилигида тил ва маданият яхлитлигига асосланган меъёрий ўқув луғатларини яратишга оид янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб ўқувчиларининг она тилидан амалий фойдаланиш кўникмаларини ўстириш, тил компетентлигини ошириш, луғат захирасини бойитиш, тилнинг илмий меъёрларини ўзлаштириш ва унга амал қилишни ўргатиш, ёзма ва оғзаки саводхонликни оширишга доир назарий ва амалий хулосалар асосида Бухоро телевидениесининг «Диёр» ахборот дастуридаги «Тил – миллат кўзгуси», шунингдек, «Маънавиятимиз сарчашмаси», «Долзарб мавзу»

кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 24 декабрдаги 1/283-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган;

ўқув луғатларининг тил воситасида миллий маданият, маънавиятнинг инсон онгига сингдирилишидаги ўрни, луғатларда халқ руҳияти, маънавий кифоаси, инсоний сифатларининг акс этиши, тил, маданият, маънавият муштараклиги хусусидаги назарий маълумотлардан «Русча-инглизча-ўзбекча спорт атамаларининг изоҳли луғати»ни тайёрлашда фойдаланилган. Натижада лойиҳа доирасида икки тилли луғатларни яратишда тил, маданият ва маънавият муштараклигини таъминлаш тамойилларининг мукамал даражада ишлаб чиқилишига эришилган. (Бухоро давлат университетининг 26 май 2020 йил №1130-сон далолатномаси)

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 6 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 25 та мақола (шу жумладан, 18 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 208 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқотнинг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

«Ўзбек лексикографияси ва луғатчилигида тил ва маданият муштараклиги масаласи» деб номланган диссертациянинг биринчи боби икки бўлимдан иборат. «Ўзбек лексикографияси ва луғатчилигининг янгиланиш тенденциялари» деб номланган биринчи бўлимда жаҳон тилшунослиги фаннинг турли йўналишлари ва бўлимларида тил ва маданият муштараклиги муаммосига эътибор қаратмоқда. Лексикографиянинг филологик фанлар қаторидаги эгаллаган ўрни, ўзбек луғатчилигининг ривожланиши, тилшуносларнинг қарашлари, фикр-мулоҳазалари хусусида фикр боради. Кузатишларимиз лексикография ва луғатчилик, лексикограф ва

луғатшунос каби сўзларни туб маъносини аниқлаш ва изоҳлаш борасидаги мунозарали фикрларни муайянлаштириш лозимлигини кўрсатди.

Лексикография – тил луғат бойлигини тўплаш ва тушунтириш муаммоси ечимига ихтисослашган лингвистик соҳа. Бу термин ўзбек тилидаги *луғатшунослик* ва *луғатчилик* терминларининг муқобиллари сифатида тушуниш мумкин. *Луғатчилик* ёки амалий лексикография атамаси *луғатшунослик* терминига нисбатан кенгроқ мазмун-моҳиятга эга. Дастлабки луғатлар фойдаланиши жиҳатдан умумлашган (ҳаммабоп) ва мазмун-мундарижаси жиҳатдан контекстуал характерга эга бўлган. Бошқача айтганда, улар социал ёки профессионал хосланмаган бўлиб, маълум бир матнларни ўқиб тушуниш имконини бериш хусусияти билан характерланади.

Демак, «луғатшунослик» маъносидаги ўзбек лексикографияси мутлақо яқин тарихга эга, «луғатлар тартиб бериш» семаси етакчилик қиладиган *луғатчилик* атамаси денотати эса анча қадимийлиги билан характерланади. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари – ўзбек лексикографиясининг эмас, балки ўзбек луғатчилигининг ибтидоси. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарийнинг «Асос ул-балоға», «Муқаддимат ул-адаб» асарлари, муаллифи номаълум «Абушқа» изоҳли луғати, Толе Имони Ҳиравийнинг «Бадойе ул-луғат», Муҳаммад Ризо Хоксорнинг «Мунтахаб ул-луғат», Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ», Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома», Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чиғатой ва турки усмоний» («Чиғатойча-туркча луғат»), Исҳоқхон Ибротнинг «Луғати ситтаас-сина» («Олти тилли луғат») каби луғатлар лексикография соҳасининг ўрганиш материаллари ёки объекти деб ҳисоблаш мумкин.

Лексикографик тадқиқотлар ўзида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатни бирлаштиради. Назарий лингвистик хулосаларнинг янги амалий лексикографик маҳсулотлар учун инновацион моделларини яратиш – лексикографик тадқиқотларнинг асосий вазифаси. Демак, бизлар лексикография (луғатшунослик) ва луғатчиликни, лексикограф ва луғатчини фарқлашимиз лозим. Луғатчилик ва луғатларда тилшунослик хулосалари моддийлашади ва реаллик касб этади. Филологиянинг бошқа айрим соҳаларида бўлгани каби лексикография амалиётдан узилган бўлиши мутлақо мумкин эмас, ҳатто унда назария ва амалиёт энг кўп омикталашган бўлади, назария эса ана шу амалиётдан кристаллашади.

Бугунги кунда тил ҳақидаги соҳада, лексикографияда, янги ва эски методларнинг диалоги кучаймоқда. Бу – табиий ҳол. Ахир давр ҳар бир фан олдигаянги талабларни қўяди. Бу методологик асослар бевосита ўзбек назарий ва амалий лексикографияси тараққиёти ва ҳозирги ҳолатига ҳам, фарқланиши тақдим этилаётган *лексикография (луғатшунослик)* ва *луғатчилик*, *лексикограф (луғатшунос)* ва *луғатчи* терминларига ҳам бевосита дахлдор.

Шу билан бирга *замонавийлик ва замонавий* тушунчаларнинг луғатга нисбатан қўлланилиши ёритиб берилган. Ҳар қандай замонавий – яратилаётган даврни акс эттирувчи – луғатни яратишда «замон» тушунчаси муайянлаштиришни тақозо этиб келган. Зеро тилнинг лексик сатҳидай

Ўзгарувчан, ўзида барқарорлик ва беқарорлик зиддиятини акс эттирувчи тилнинг бошқа сатҳи йўқ. Шунингдек, «замонавий» сўзи «энг кейинги нуқта» маъносига ҳам, «энг кейинги кесма» маъносига ҳам эга. Улар бир жиҳатдан бирлашса-да, иккинчи жиҳатдан зид ҳам келади. Масалан, *замонавий* сўзи бугунги кунни ҳам, бугунги асрни ҳам, бугунги юз йилликни ҳам ифодалаши мумкин.

XXI аср ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, глобал «ўргимчак тўри»нинг дунёни қамраб олиши натижасида on-line луғатларнинг яратилиши айнан луғатчилик соҳасида *замонавий* сўзининг ўз моҳиятини тўла-тўқис сақлаб қолишига имкон яратди. On-line луғатларгина давр билан баравар қадам ташлайди ва ундаги ҳар бир янгиликни қайд этиб бориш имконига эга.

«Лексикографик талқинларда тил ва маданият муштараклиги муаммоси» деб номланган иккинчи бўлимда лисоний бирликларнинг тил ва маданият муштараклиги тамойили асосидаги талқини, уларнинг маданий қиймати ҳамда хусусиятинишу билан бирга, ўзаро қиёслаш асосида турли тиллардаги миллий-маданий ўзига хосликларни баҳолаш, миллий онг ва дунёқарашнинг шаклланишида мазкур категорияларнинг ўрни ва роли хусусида фикрлар билдирилган.

Бунинг ҳаммаси лингвокультурологик тадқиқотларга таянади. Замонавий тилшуносликда В.фон Хумбольдт томонидан “халқ тили ва халқ руҳи муштараклиги” тезиси асосида пайдо бўлган лингвокультурология соҳаси тез ривожланмоқда. Хумбольдт ғоялари нафақат лингвокультурологик тадқиқотлар ривожини белгилаб берди, балки когнитология ва этнолингвистика, прагма ва коммуникатив лингвистика, таржима назарияси учун ҳам катта методологик аҳамиятга эга бўлди. тил ва маданият лексикографик талқинларда намоён бўлиши кўрсатилган.

Лингвокультурология кўп ҳолларда қиёсий аспектда бўлгани сабабли унинг асосий тушунчаси *баҳо* ва *қиймат* категорияларидир.

Баҳо категориясининг (баҳолаш) фалсафий ва иқтисодий тушунилиши асосида унинг лингвокультурологик моҳияти шаклланган. Фалсафада баҳолаш деганда ижтимоий ҳодисалар, инсон ва унинг фаолияти, дунёқараши ва хулқиға муносабат, аҳамияти ва ўзаро муносабатини, муайян жамиятда ўрнатилган ахлоқий тутум ва тамойилларга мослигини кўрсатиш (маъқуллаш, қоралаш ва, шунингдек, бетараф муносабат ҳам) тушунилади

Янги аср ибтидосидаги лингвокультурологик назариялар ҳам лисоний қийматни маънонинг миқдорий назарияси асосида изоҳлаб унга фарқловчи семалар, сўзнинг функционал даражаси ва ўз синонимик қаторидаги бошқа бирликлар билан муносабатлари таъсир этишини эътироф этади. Сўзнинг қўлланиш даражасини лисоний қиймат белгилайди, бу қиймат синонимик қатордаги бошқа бир бирлик лисоний қийматидан юқори ёки паст бўлиши табиий. Сўзловчи ёки тингловчининг муносабати фақат лисоний қиймат эмас, балки унинг қўлланишига бўлган эҳтиёж, шунингдек, сўзнинг нутқий

самараси, сифати ва бошқа сўзлар ўрнини боса олиши – ўрин алмашиш қобилияти билан ҳам белгиланади.

Қадриятлар (бу лингвистик нисбийлик назарияси тамойиллари асосида баҳоланади) этносоциал, социумик (табақавий) конфессиал, миллий характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши якунларига қадар *Nürnberg* (Нюрнберг) ифодаси фақат ижобий моҳияти билан танилган эди: “*meistersingerstadt*” (хунармандлар шаҳри), “*dürerstadt*” (Дюрер шаҳри), “*hans-sachs-stadt*” (Ханс ва Закс шаҳри), “*stadt desspielzeugs*” (ўйинчоқлар шаҳри) каби маънолар синтездан иборат ижобий семали лексема, унда субъектив баҳо ва объектив ҳолатнинг нисбий мувофиқлиги мавжуд эди. Фашист жиноятчиларининг суд жараёни бўлиб ўтган шаҳар сифатида янги моҳият касб этиши билан унинг эски қиймати буткул унутилди ва “совуқ” маъно оммалашиб кетиши натижасида субъектив-ижтимоий муносабат билан объектив ҳолат орасида катта фарқ вужудга келди.

Маданий белгиланган ёки маданий ёрлиқ сифатидаги ифодалар халқ ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олади. Маълумки, турли маданиятлар ҳеч қачон бир-бирига айнан мос келмайди. Шунга кўра миллий-маданий ҳодисаларни ифода этувчи тил бирликлари ҳам бир-бирига мувофиқ келмаслиги табиий. Миллатга хос маданий қадриятлар тил бирлигида “миллий сўз тасвиридаги маданий из” сифатида намоён бўлади. Одатда, лингвокультуремалар бошқа тилларга таржима қилинмайди, реалаялар сифатида мавжуд бўлиб, нари борса, калька асосида берилади: *WildWest* (Вилдвест), *cowboy* (ковбой), *western* (вестерн) каби. Кўпинча, атоқли отлар шахс белгиларини англатади, уларнинг мафкуравий, конфессиал мажбуриятлари, оилавий аҳволи, касби, мойилликлари, характер белгилари ҳақида дарак беради. Ўзбек лингвокультурологик луғатларида ҳам шахс-лингвокультуремалар кўп учрайди. Масалан, Тўмарис, Алпомиш, Нодира ва ҳ.к. Кўринадики, этнолингвомаданий фарқлар давр, муҳит, мафкура ва бошқа омиллар таъсирида содир бўлади. Бу фарқлар ҳозиржавоб ва тезкор луғатларда муттасил равишда, объектив тарзда акс эттириб борилиши зарур. Бугунги изоҳли ва таржима луғатларида лингвомаданий фарқ ва ўхшашликларга кам эътибор қаратилади. Давр эса уларнинг бу жиҳатини такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертациянинг «*Изоҳли луғатларда тил ва маданият муштараклиги муаммоси*» деб номланган иккинчи боби жаҳон изоҳли луғатчилигида тил ва маданият уйғунлиги ифодаси, миллат лингвомаданиятидаги маданий асослар ифодаси, ўзбек тилининг махсус изоҳли луғатларида тил ва маданият муштараклиги масаласи тадқиқ этилган. *Тил, маданият* терминлари *маънавият* атамаси билан нечоғлиқ уйғунликда қабул қилиниши; тил ва маданият яхлитлиги ўзбек изоҳли луғатларда, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг она тилимизнинг қонуниятларига мослашиши, луғат таркибининг бойиш манбалари; ўзбек изоҳли луғатларда тил ва маданият муштараклиги, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг она тилимизнинг қонуниятларига мослашиши, луғат таркибининг бойиш манбалари хусусида сўз юритилган.

Бобнинг «*Жаҳон изоҳли луғатчилигида тил ва маданият уйғунлиги ифодаси*» деб номланган бўлимида *халқ тили, миллий маънавият, маданият, гуманизм, культура, цивилизация* каби тушунча ҳамда терминлар дунё ва ўзбек луғатларига асосланиб атрофлича талқини таъриф этилган.

«*Миллат лингвомаданиятидаги маданий асослар ифодаси*» деб номланган иккинчи бўлимда *маънавият* истилоҳининг ўзбек тилига кириб келишини кўрсатувчи асослар ёритилган. Ўзбек луғатчилиги тарихида тил ва маданият уйғунлигини исботловчи далиллар борасида сўз кетганда, ўзбек тилшунослиги ва умуман, туркий тилшуносликка даҳлдор лексикографик асарларнинг мундарижасида бу борада талай тафовутлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Зотан *маънавият* истилоҳининг ўзбек тилига кириб келишини кўрсатувчи асослар ўзбек тилшунослигида ва умуман, илм-фанда деярли учрамайди. Негаки маънавиятни тадқиқ этиш осон иш эмас.

Гарчи *маънавият*нинг лексикографик изоҳи илмий-бадий асарларда учрамаса-да, ўзбек тилида *маънавият* сўзига ёндош сўз сифатида *маърифат* сўзини қўшиб (жуфтлаб: *маънавият ва маърифат, маърифат-маънавият*) ишлатиш мавжуд, бу атамадан шу ҳолда фойдаланиш ўзбек миллатининг тарихий маънавий юксалиш илдизларига бориб тақалади. Хусусан, «маърифат» сўзининг истилоҳий маъноси махсус луғатларда «Яратувчини танимоқ, англамоқ» дея таърифланган. Ҳикматга кўра, Яратувчини таниш ўзини танишдан бошланади, яъни мақсади Ҳақни таниш бўлган инсон аввал ўзини танимоғи лозим³⁰.

Маълумки, XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳон тилшунослигини қамраб олган антропоцентризм Соссюрни «тилни ўз ичида ва ўзи учун» назариясидан биров узоқлашиб, инсон омилига асосланган лисоний қонуниятларини ўрганишни бошлади. XX асрнинг иккинчи ярмидан пайдо бўлган замонавий йўналишлар лингвистикани нафақат тилни тадқиқ этувчи балки инсон онги, тафаккури, руҳияти, олам манзараси, когнитив кирраларини қамраган ҳолда забардаст фанга айланди.

Натижада, лингвистика анъанавий *тилунослик* терминидан кўра кенгроқ моҳиятни ифодалай бошлади ҳамда ижтимоий фанлардан кўра кўпроқ, табиий ва аниқ фанларнинг тадқиқ объектига айланди. Бу эса лингвистиканинг борлиқ тўғрисидаги оптимал билимлар билан «тўйинишига» ҳамда В. фон Хумбольдт қайд этган *тил, руҳ, миллат ва маданият* тўғрисидаги теран билимларнинг фалсафий-когнитив томондан чуқурроқ талқин этилишига олиб келди. Лингвокультурологик йўналиш ана шу натижани ўзида ифода этувчи соҳадир, унда маънавият ва маданиятнинг уйғунлигини исботловчи қатор далиллар мавжуд. Хусусан, тил ва маданиятнинг алоқадорлигига доир масалаларни илк бор Вильгельм фон Хумбольдт кўриб чиқди. У ўз даврида: «Тил – халқ ғояларининг шунчаки ифодачиси эмас, балки халқнинг бир бутун маънавий қувватидир; тилларнинг турфа бўлиши эса битта нарсанинг турлича номланиши бўлмай,

³⁰Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёи улумиддин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –512 б. – Б. 3.

шу нарсани турлича тасаввур қилиш, кўришдир. Тил ҳамиша миллатнинг ўзига хослигини ифода этади», – деб ёзган эди.³¹

Тил, маданият ва маънавиятнинг уйғунлиги тилнинг концептуал кўламида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлган, инсон когнитив манзараси ҳамда лингвокогнитив манзарасининг етакчи концепциясини белгиловчи қадриятини унсурда ўзининг ифодасини топади. Ҳолбуки *маънавият* миллий-маданий жиҳатдан аниқ чегараланган ва хосланганлик характерини ифода этувчи лингвомаданий концептдир.

«Ўзбек тилининг махсус изоҳли луғатларида тил ва маданият муштараклиги масаласи» деб номланган учинчи бўлимда ўзбек изоҳли луғатларда тил ва маданият муштараклиги, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг она тилимизнинг қонуниятларига мослашиши, давр луғатчилигининг шаклланиш манбалари ҳамда бу даврдаги луғатларнинг яратилишида юзага келган ижтимоий эҳтиёж ва зарурият масалалари тадқиқига, луғат таркибининг бойиш манбалари хусусида сўз юритилган.

Тил, маънавият, маданият атамаларининг ўзбек лексикографиясидаги изоҳи осон шарҳланадиган масала эмас. Хусусан, Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да ўзбек адабий тили луғат бойлигидаги туркий қатламга этимологик изоҳ бериш мақсад қилиб олингани туфайли ушбу изоҳли луғатдаги бошқа тиллардан олинган сўзлар назардан соқит қилинган³². Ушбу ҳолат *маънавият* сўзининг аслида туркий сўз эмаслигини кўрсатади. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда яратилган «Девону луғотит турк» асарининг индекс-луғатида ҳам бу сўз учрамайди. Ушбу луғат бўйича Ҳ. Ҳасанов, Э. Фозилов, С. Муталлибов, М. Зияева ва бошқалар текстологик ва лексикографик тадқиқотлар олиб боришган³³. Бироқ ҳар икки луғатнинг тилида ҳам текширилаётган сўзнинг мавжудлиги кузатилмади³⁴.

Шунингдек, тахминан XV асрнинг биринчи ярмида ёзилган, луғатчиликнинг ноёб дурдона асари, муаллифи номаълум «Ат-туҳфатул-закияту фил-луғатит туркия»да ҳам *маънавият* ва *маданият* сўзларига дахлдор изоҳлар учрамайди. Гарчи луғат таркибига баъзи форсий-арабий сўзлар ҳам киритилган бўлса-да, муаллифнинг фақат *тил* лексемасига берган қисқа изоҳи учрайди. Унда ҳам ўша давр муҳити ва шарт-шароитида тил ва маданият муштараклигига доир маълумотлар мавжуд эмас. Маънавият семантикасининг глобаллашуви, айтиш мумкинки, Марказий Осиёга тасаввуф таълимотининг тарқалиши билан изоҳланади. (*Гаҳ ўзимни сувга урдум, гаҳи ўтга дам-бадам, Бўлмади даврон сафоси лаҳзае бошимга кам, То шариятни тутуб қўйдум тариқатга қадам, Баҳри раҳматга кириб қилдим вужудимни адам, Маърифатдин беҳабарсен, гавҳаримни кавлама!*(Фуркат)). Зеро, маънавиятнинг асл моҳияти Жалолиддин Румий, Алишер Навоий сингари мутасаввифларнинг ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топти.

³¹ Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2017. – 164 б.

³² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – 560 б.

³³ Ҳамраева Ё. Фезллар мисолида идеографик луғат тузиш. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. - 120 б.

³⁴ Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент: Фан, 1967.

Ўрганилаётган сўзнинг этимологияси ҳамда ўзбек тилида ўзлаштирилиш тарихи масаласи, юқорида таъкидланганидек, нафақат ўзбек тилшунослиги, балки ўзбек илм-фанида ҳам тадқиқотталаб мавзулардан саналади. Ҳолбуки 2010 йилда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриётида чоп этилган «Фалсафа» энциклопедик луғатида ҳам мазкур сўзнинг келиб чиқиши, мазмун-моҳияти борасида тадқиқотчини каноатлантирувчи билимлар учрамайди.

Демак, ўзбек тилшунослигининг тамал тошини ўтаган қадимий туркий луғатларимизда мазкур атаманинг учрамаслиги табиий ҳолдир. *Маънавият* моҳиятан лексема сифатида XX асрнинг иккинчи ярмидан лексикализация ва у орқали терминлашиш жараёнига учраб оммалаша бошлаган деб тахмин қилиш мумкин.

Табиийки, собиқ шўро даврида ҳам «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (М., 1981) яратилди. Тилшунос олим Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, бу луғатда сўзларнинг содда ва сифатли лексикографик тавсифига эришилганлигига қарамасдан, бу луғат анча эътирозларга сабаб бўлди³⁵. Бунда луғатда *русча-байналмилал* сўзларнинг беҳад кўплиги, унда ўзбек тили бойлигининг етарли даражада акс этмаганлигига асосий эътибор қаратилди.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га доир эътирозларга сабаб бўлган жиҳатларни луғатда шарҳланган *маънавият, маданият, тил* сўзлари мисолида кўриб чиқамиз.

Луғатда *маънавият* сўзи айнан изоҳланмасдан, унинг сифат ва равиш ясовчи формантлар билан келган шакллари ифода топган.

«МАЪНАВИЙ – [а] 1 Кишининг ички, руҳий ҳаётига оид. Маънавий эҳтиёжлар. Маънавий ёрдам. – Ёш совет ўқитувчисининг ҳар бир иши зағчақўз домлага маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам зарба эди. П.Турсун, Ўқитувчи.

2. айн. ахлоқий Кишининг маънавий қиёфаси.

МАЪНАН - [а] рвш 1 Маънавий жиҳатдан, руҳан. Унинг [Юсуфбек хожининг] ҳар бир раъйига Нормухаммад кушбеги қонунан мажбур бўлмасда, маънан бир мажбурият ҳис этар эди. А.Қодирий, Ўтган кунлар. Маънан ва жисман эзилган ... Анвар... гўё ҳушсиз каби бошини икки қўли орасига олиб сандал устига энгашди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАЪНИ – [а] с.т. 1 Маъно. – *Гап-сўзда ҳам бир маъни бўлиши керак, - деди Гулшан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ақл, эс-ҳуш. – Соли ака, сизга қачон маъни киради? – жаҳл билан деди Ёрмат. Ойбек, Қутлуғ қон».

Луғатда *маъно* ўзакли яна *маъно, маънодор, маънодош, маъноли, маъносиз, маъносизлик* сингари сўзлар изоҳланган, умумий ҳолда лексик семантиканинг кўламини очишга урғу берилади.

Маданият сўзи луғатда маданий, маданийлашмоқ, маданий-маиший, маданий-маориф, маданий-оммавий, маданий-оқартув, маданий-тарбиявий, маданият, маданиятли, маданиятсизшаклларида берилган.

³⁵ Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012.

Юқорида билдирилган фикрларга, ўзбек лексикографиясида содир бўлаётган ўзгаришлар, нашрларнинг кўпдан-кўп сонига қарамай, миллат тили, руҳи, маданияти ва маънавияти сингари концептларнинг ҳалигача етарлича изоҳ топмаганини қайд этиш лозим. Чунки бу миллат келажаги билан боғлиқ долзарб муаммо бўлиб, назаримизда, унинг қамровида ҳатто ўқув луғатлари ҳам бўлиши шарт. Тилшунос олим Б.Р. Менглиев тўғри танқид қилганидек: «Ўқув луғатлари зарурлиги ҳақида кўп гапириб ва ёзиб келинмоқда. Ўқув луғатлари яратилмас, ўқувчиларнинг столида она тилидан унинг ёшига мос кўплаб ўқув луғатлари турмас, бунинг учун ўқув лексикографияси назарий ва амалий соҳа сифатида тизимли йўлга қўйилмас экан, она тили таълими ўзининг ҳақиқий моҳиятидан бегоналигича қолаверади. Мамлакатимизда ўқув луғатчилиги соҳаси энг оқсоқ соҳалардан. Унинг етарли даражада шаклланмаганлиги – луғатларни тайёрлаш ва нашр қилиш билан боғлиқ илмий ва молиялаштириш тизими яратилмаганлиги билан боғлиқ»³⁶.

Тил тараққиёти миллатнинг маънавий юксалишга бўлган эҳтиёжи негизида юзага чиқаркан, қатор луғатларнинг мундарижаси доимий тарзда такомиллаштирилиб бориши шарт. Негаки луғатларнинг мунтазам мукамаллашиб бориши, ўз навбатида миллат маданиятининг замонга мос тарздаги юксалишини таъминлайди. Қолаверса, миллат тилида яратилган кенг қамровли луғатлар келажакда ўзбек тили Миллий корпусини яратишдаги долзарб муаммоларни осон ҳал этиш имконини беради.

Тадқиқотнинг учинчи боби «*Ўқув луғатларида тил ва маданият масаласи*» уч бўлимдан иборат бўлиб, ўзбек тилининг мактабгача ва бошланғич синф таълим луғатларида тил ва маданият уйғунлиги ҳамда ўзбек тилининг мактаб ўқув луғатларида тил ва маданият яхлитлиги талқини масалалари тадқиқ этилган. *Жаҳон ўқув луғатчилигида тил ва маданият муштараклиги ифодаси*» деб номланган биринчи бўлимда ўқув луғатларида тил ва маданият муштараклиги, жаҳон ўқув луғатчилиги, хусусан, рус ўқув луғатчилиги ассоциатив луғатлар ҳақида фикрлар билдирилган.

Шунингдек, умумий луғат билан ўқув луғатининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, ўқув луғатларининг ижтимоий аҳамияти, мақсад ва вазифалари, таълим олувчининг муайян фан бўйича билимларини мустаҳкамлаш ҳамда унинг шахс сифатида камол топиши, нутқи, дунёқарашини шакллантириш, прецедент бирликлар – прецедент номлар, прецедент бирликлар ва прецедент матнларга таяниб иш кўрувчи ассоциатив ўқув луғатларининг роли, унда оламнинг лисоний манзарасини чизишдаги ўрни, она тили жараёнида лингвомаданий ўқув луғатларининг ўрни ва аҳамияти кабилар бўйича фикр билдирилган.

Ўқув луғатининг асосида таълимий мақсад ётиши, яратилган илк луғатлар – антик мактаб қўлланмалари бўлганлиги, ўқув мақсадида

³⁶«Бундай она тили таълими ўзимизни алдашдан бошқа нарса эмас!» – Тилшунос олим Б.Р. Менглиев билан суҳбат. <https://kun.uz/14837937>

яратилгани, кейинчалик луғатлар ўқув адабиёти, дарсликдан узоқлашиб алоҳида жанрга айлангани тадқиқотларда илмий асослаб берилди.

Ўқув луғати таълим олувчининг фақат муайян фан бўйича билимларини мустаҳкамлаш учун эмас, унинг шахс сифатида камол топиши, нутқи, дунёқарашини ҳам шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўқувчининг ёши, руҳий-психологик ҳолати, физиологик тараққиёти, миллати, эътиқоди, маданияти, миллий қадриятлари, урф-одатлари, ўзи яшаётган мамлакат табиати, иқлими, ҳайвонот олами, умуман, уни қуршаб турган олам билан чамбарчас боғланади; таълим олувчининг онгида илк ёшларидан бошлаб оламнинг лисоний манзарасини чизишда ёрдам беради.

Жаҳон лексикографиясида луғатда маданийлик белгисининг акс этиши масаласи В.П.Берковтомонидан махсус ўрганилган, олим кўп ҳолларда икки тилли таржима луғатларида миллий маданий белгиларнинг акс этишига лингвомамлакатшунослик нуқтаи назаридан ёндашган эди³⁷. В.П. Берковнинг ўқув луғатчилиги тавсифига тўла мос келадиган «фойдаланувчи манфаатларига зиён келтирмаган ҳолда катта маълумотни кичик ҳажмда бериш»³⁸ («максимум информации на минимуме места – без ущерба для интересов читателя») ғояси ҳозирга қадар лексикографларнинг диққатини тортиб келади.

Бугунги кунда луғатлар, хусусан, ўқув луғати тоифасига мансуб луғатларининг лексикографик таҳлили лингвомамлакатшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг замонавий муаммоларини ўрганиш билан бир қаторда бир тилли луғатларда шу тил мансуб бўлган миллат маданияти, маънавий қадриятлари, эътиқоди, урф-одатлари билан боғлиқ масалаларни миллий маданий асосда тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Умумий луғатлардан фарқли равишда ўқув луғатининг ҳар қандай турини, имло луғатими, талаффуз луғатими, изоҳли луғатми – барчасини миллий маданият маҳсули сифатида қараш мумкин. Сабаби, ўқувчи ўқув луғатига, одатда, *тўғри гапирялманми, сўзни ўз ўрнида қўладимми, тўғри таржима қилдимми, муқобилини тўғри ишлатдимми, тўғри ёздимми* деган саволлар билан мурожаат қилади. Ўқув луғатига соф миллий маданият маҳсули сифатида қарашнинг яна муҳим бир сабаби шуки, у бир пайтда нутқ маданияти бўйича қўлланма вазифасини ҳам ўтай олади.

Ўзбек ўқув луғатчилиги соҳасида изланишлар олиб борган Б.Баҳриддинованинг фикрига кўра: «Ўқув луғатлари адресат (фойдаланувчи) ва тиллар сони (бир тилли ёки кўп тилли), тилнинг сатҳлари – фонетик (фонологик), морфемик, сўз ясалиши, лексик, фразеологик, морфологик, синтактик жиҳатларига доир маълумотларни камраб олишига кўра фарқ қилади. Ўқув луғати хусусиятини белгиловчи мазкур вазифалар луғат туридан келиб чиқиб баъзиларида етакчи, баъзиларида пассив бўлиши мумкин. Масалан, имло, тўғри талаффуз ўқув луғатларида меъёрлаштириш вазифаси, ўқув изоҳли луғатларда маълумот бериш вазифаси етакчилик

³⁷Берков В.П. Словарь и культура народа. В кн.: Мастерство перевода. – М.: Сов.писатель, 1975.– С. 407-420.

³⁸Берков В.П. Двухязычная лексикография. СПб.: Изд-во СПбГУ, 1996. – 248 с.

килиши мумкин»³⁹. Тил ва маданият муштараклиги тил лексик сатҳи бирликлари акс этган луғатлар, жумладан, ўқув энциклопедик, ўқув изоҳли, ўқув фразеологик луғатларда яққол ифодасини топади.

Замонавий ўқув луғатларига бугунги кунда антропоцентрик луғат деб қаралмоқда. Антропоцентрик луғатнинг асосий вазифаси инсоннинг коммуникатив, когнитив, маданий ва бошқа ижтимоий талабларини кондиритиш, онгида оламнинг лисоний манзараси ҳақида тасаввурлар ҳосил қилишдан иборат⁴⁰.

В.В.Дубичинский мутахассисларда ўқув луғатчилиги соҳасини ажратиш ёки ажратмасликка доир мавжуд хилма-хил қарашларни таҳлил қилар экан, мавжуд иккиланишларга қуйидагича нуқта қўяди: «Ўқув луғатчилигининг тадқиқ соҳасини уч тизимга мансуб бўлган уч координатли майдон – лингвистик, психологик ва социологик мезонларга асосланган тизим сифатида белгилаш мумкин»⁴¹. Ўқув луғатларига бундай ёндашув, ўз ўзидан, унинг инсонни ҳар томонлама қамраб олувчи восита – антропоцентрик луғат эканини кўрсатади. Антропоцентризм (юнон. *Anthropos* – инсон + лот. *centrum* – дунёқараш) – марказида инсон турувчи маданий ижод принципи⁴² бўлиб, жаҳон ўқув лексикографиясининг бугунги тараққиёти замонавий антропоцентрик ўқув луғатларини яратишда тил – маданият – шахс феноменини ажралмас учлик сифатида ифодаланишига диққат қаратмоқда⁴³.

Л.К.Муллағалиева рус тилини она тили ва хорижий тил сифатида ўрганаётган ўқувчилар билан «Рус маданияти реалиялари» ўқув луғати устида мавжуд ҳолатни ўрганиш, луғат воситасида лингвомаданий компетенцияларни шакллантириш ва натижани назорат қилишдан иборат уч босқичли тажриба олиб боради. Дастлабки тажриба таълим олувчиларнинг тил лексик бирликларининг миллий-маданий ўзига хослигини билиш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилиб сўровномада иштирок этган респондентлар тил билиш даражасига кўратурли гуруҳларга ажратилади. Тажриба натижасига кўра, респондентларнинг жами 37,8 фоизида этнолингвомаданий компетенция шаклланганлиги кузатилади. Тадқиқотчи халқ тарихи ва маданиятидан хабардор бўлган маънавий етук шахсни тарбиялаш учун этнолингвомаданий компетенцияни шакллантириш усулларини такомиллаштириш устида ишлаш керак деган хулосага келади ва экспериментнинг иккинчи босқичи – она тили (рус тили) машғулотларида дарслик билан бирга лингвомаданий характердаги ўқув луғатлари устида ишлашни йўлга қўяди. Ўтказилган тажриба-синов натижалари ўқув луғати

³⁹ Бахриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: тарихи, лингвистик асослари ва тараққиёт тамойиллари: Филол. фан. докт. (DSc) дис. – Тошкент, 2020. – 212 б.

⁴⁰ Морковкин В.В. Антропоцентрический versus лингвоцентрический подход к лексикографированию // Национальная специфика языка и её отражение в нормативном словаре. – М., 1988. – С. 132–133.

⁴¹ Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб. пособие. – М.: Флинта, 2008. – 432 с. – С. 336.

⁴² Большой толковый словарь по культурологии. <http://cult-lib.ru/doc/dictionary/culturology-dictionary/fc/slovar-192-4.htm#zag-75>

⁴³ Воробьев В.В., Морозкина Е.А., Фаткуллина Ф.Г. Триада язык – культура – личность, как основа современной лингвокультурологии // Вестник Башкирского университета, 2016. Т. 21. – № 2355. – С. 355–359.

билан ишлаш жараёнида ўқувчиларда лингвомаданий компетенцияларнинг шаклланганлиги 88,9% га етганини кўрсатади⁴⁴.

Ўзбек тилида шу йўналишда илк изланишларни олиб борган олима Д. Лутфуллаева ассоциатив луғатларда халқ маданиятининг бошқа лингвистик луғатларда қайд этилмаган ўзига хос қирралари ҳам акс этишини таъкидлайди: «Ассоциатив луғатлар тил эгаларининг ижтимоий-тарихий хотираси ичига киришга имкон берувчи луғатлар ҳисобланади. ... ўқувчида маълум даврдаги муайян тилнинг лексик қатлами, унинг таркиби ҳақида яхлит тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Тил шунчаки тасвирловчи «иллюстратив материал» бўлмай, тил ва инсон, тил ва жамият, тил ва руҳият, тил ва маданият, тил ва илм-фан, техника муносабати кабилар ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи ... манба саналади»⁴⁵.

Е.Ф.Тарасов, В.В.Дронов ва Е.Ощепковаларнинг 2017 йилда нашр этилган «Рус тилининг ўқув ассоциатив луғати»ни ҳам изоҳли, ҳам ассоциатив характердаги замонавий комплекс ўқув луғатларининг мукамал намунаси сифатида тил, маданият, маънавият муштараклиги ифодасини ўзида тўла намоён қила олган луғат дейиш мумкин. Рус тилини она тили, шунингдек, хорижий тил сифатида ўрганувчилар учун мўлжалланган мазкур луғатда рус тилида энг кўп ишлатиладиган 155 та стимул сўз ва унга 2000 га яқин жавоб реакцияси берилган. Сўзлик 15 та мавзувий гуруҳ – «Инсон», «Оила», «Инсоннинг ташқи қиёфаси», «Теварак-атрофдаги нарса ва предметлар», «Табиат», «Вақт», «Маънавий қадриятлар», «Ҳис-туйғу ва ҳолат», «Муносабатлар», «Ақлий қобилият», «Гуллат», «Сифат», «Белгилар», «Ҳаракат», «Этикет»га ажратилган.

Луғат ҳам изоҳли, ҳам ассосиатив луғат бўлганлиги сабабли ҳар бир стимул-сўз аввал изоҳланган, кейин ассоциатив майдони берилган:

«БАБУШКА

Сущ. (кто?) ж.р., мн.ч. бабушки.

I. Мать отца или матери по отношению к детям своих детей, внукам:
Моя бабушка. У меня две бабушки.

II. Пожилая женщина: *На скамейке сидят бабушки. Бабушка, давайте я вам помогу.*

Бабуся, бабусенька; бабуля, бабулечка (*разг., ласковое*).

Бабка, баба (*просторечное*): Баба Люба, помоги мне!

**Дедушка/старая/добрая/любимая/моя/родная/старушка/деревня/внук
Внучка/надвое сказала/очки/взять/пирог/Яга».**

Ҳар икки луғат мақола ўрганилаётган тил ва шу тил эгаси бўлган халқ маданияти билан танишиш учун лингвистик муҳит яратишга хизмат қилган⁴⁶. Масалан, **БУВИ** стимул-сўзи ва унга берилган изоҳ ҳамда жавоб реакцияларидан иборат бўлган ассоциатив майдонни кузатамиз:

⁴⁴Муллағалиева Л.К. Учебный словарь “Реалии русской культуры” как основа формирования этнолингвокультурологической компетенции учащихся: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –Уфа, 2002. – 26 с.

⁴⁵Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент:MERIYUS, 2017. – 140 б. – Б.97-98.

⁴⁶ Тарасов Е.Ф., Дронов В.В., Ощепкова Е.С. Учебный ассоциативный словарь русского языка. СПб. Златоуст, 2017.– 356 с.

Кўпгина миллатларда кузатилгани каби рус тилида ҳам **БУВИ** стимул-сўзига қўлланиш частотаси энг юқори бўлган ассоциат (жавоб реакцияси) *бобо* ва *кекса* лексемаларига тўғри келгани кузатилади:

«*дедушка*

Я у бабушки живу, я у дедушки живу... (И.Шаферан)

старая

Моя бабушка совсем не старая».

Жумладан, ўзбек халқида ҳам **БУВИ** стимул-сўзининг ассоциатив майдонида унинг лексик-семантик жиҳатдан уядоши бўлган *бобо*, *кекса* лексемаси қўлланиш частотасига кўра юқори ўринни эгаллайди. Шунингдек, қўлланиш частотаси камайиб боришига кўра, *бобо*, *кекса*, *меҳрибон*, *севимли*, *туғишган*, *қария*, *қишлоқ*, *набира*, «*ё бўлади*, *ё бўлмайди*», *кўзойнак*, *тўқши*, *пирог*, *блинчик*, *Яга* ассоциатлари орасида айнан миллий-маданий ўзига хослиги билан ажралиб турувчи реакциялар ҳам мавжуд.

Прецедент бирликлар лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири бўлиб, тилшуносликка биринчи марта Ю.Н.Караулов олиб кирган⁴⁷. О.Е.Артемова прецедент жанр кўринишларини: “прецедент ном, прецедент жумла”, прецедент матнларни: “маданий ахборотнинг “аккумулятори”, – деб атайди⁴⁸. Улар ўзида муайян миллат тил эгаларига хос бўлган лисоний хотирани акс эттиради.

Ҳар қандай миллий маданиятида прецедент бирликлар кузатилиб, ассоциатив ўқув луғатларида уларнинг турли кўринишларини учратиш мумкин.

Бобнинг «Ўзбек тилининг мактабгача ва бошланғич синф таълим луғатларида тил ва маданият уйғунлиги муаммоси» деб номланган иккинчи бўлимида айнан ўзбек тилининг мактабгача ва бошланғич синф таълим луғатларида тил ва маданият уйғунлиги ҳамда ўзбек тилининг мактаб ўқув луғатларида тил ва маданият яхлитлиги талқини масалалари ҳақида маълумот берилган. Мактабгача бўлган давр боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганиш, билишга иштиёқи кучли бўлган даври эканлиги билан характерланади. Шу сабабли дунёнинг кўпгина тараққий этган мамлакатларида шу ёшдаги болалар нутқини ўстириш, унинг инсоний сифатлари, ақлий салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади

Сўнги йилларда жаҳон ўқув лексикографияси ютуқлари асосида ўзбек тилида ҳам узлуксиз таълимнинг қуйи бўғинлари, хусусан, мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари учун янги авлод ўқув луғатларининг илк намуналари яратила бошланди. Айни пайтда ўзбек тилида таълимнинг ушбу бўғинларида таҳсил олувчилар учун мўлжалланган луғатларнинг қуйидаги асосий типларини учратиш мумкин:

⁴⁷Қаранг: Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос. ун-т, 2002. – 24 с.

⁴⁸Артемова О.Е. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра “лимерик”: На материале английского языка: Дис. канд. филол. наук. – Уфа: БашГУ, 2004. – С. 24.

а) «Менинг биринчи энциклопедиям» сериясида яратилган ўқув энциклопедик луғатлар;

б) «Менинг энг биринчи луғатим» сериясида яратилган расмли, изоҳли луғатлар;

с) хорижий тилларни ўрганиш мақсадида яратилган икки ёки кўп тилли таржима луғатлари.

Ҳар уч типга мансуб луғатлар ҳам она тили, шунингдек, хорижий тилларни ўрганиш мақсадида яратилган луғатлар, уларда тил ўрганиш орқали миллий маданият, маънавий қадриятларни ҳам сингдириш кўзланганини кузатиш мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларида она тилини ўрганиш жараёнида тил компетентлиги, лингвистик онгнинг шаклланишида ассоциатив луғатларнинг ўрни муҳим. Ассоциатив луғат лисоний онг шаклланаётган давр – мактабгача ёшда атрофдаги олам билан танишиш, тиллашиш, мулоқот қилишга ўрганиш учун ўзига хос муҳит яратиш хусусиятига эгаллиги билан ҳам характерли. Д.Лутфуллаева ассоциатив луғатларга халқ маданиятига доир билимларни ҳам ўзида жамловчи миллий онг инъикоси деб қарайди. «Уни ўқиган китобхон кўз олдида халқ маданияти намуналари гавдаланади, ассоциациялар орқали тил эгаларининг миллий-маданий қадриятларга муносабати ҳақида билимга эга бўлинади. Масалан, ўтказилган ассоциатив тажриба материалларида *алла* лексемаси учун берилган *сабр, фидойилик, бахт, шукрона, сўз сеҳри, бахтли ҳаёт, бахтли оила, қайноқ, меҳр нафаси, меҳр нури, шифобахи* ассоциацияларида тил эгаларининг мазкур муқаддас миллий-маданий қадриятга бўлган ижобий муносабати ўз ифодасини топганини англаш мумкин»⁴⁹.

Рус тили ассоциатив ўқув луғатларининг асосий муаллифларидан бири Е.Ф.Тарасовнинг мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган ассоциатив луғати рус маданияти, ҳаётига алоқадор бадий, диний асарлар, машҳур ва қизиқ воқеалар, афсона, ривоят, эртақ, латифа, қўшиқ, мултфильм ва кинофильмлар, шунингдек, тил эгалари дискурсида қайта-қайта мурожаат қилинадиган матнларда учрайдиган прецедент ном, жумла ва матнларни камраб олгани билан диққатга сазовор.

Луғатда қизча (девоchка) лексемасига берилган ассоциацияларни кўриб ўтамыз⁵⁰:

ДЕВОЧКА

маленькая	<i>Жила-была маленькая девочка. Мать любила её без памяти, а бабушка ещё больше.</i> <p style="text-align: right;">(Ш.Перро. «Красная Шапочка»)</p> <i>“Вечером к девочке маленькой Раз прилетел ангелок...”</i> <i>Мама над дремлющей Валенькой</i>
------------------	--

⁴⁹Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент:MERIYUS, 2017. –140 б., – Б.102.

⁵⁰Тарасов Е.Ф., Дронов В.В., Ощепкова Е.С. Ассоциативный словарь русского языка. Предлагаю и понимаю: пособие для учащихся начальной школы. – М.:Дрофа, 2010. – 192 с. – С. 90-91.

	<i>Кукле взяла чулок. (М.И.Цветаева. «У кровати»)</i>
Мальчик	<i>Маленькие домики по улице бегут, Мальчиков и девочек домики везут.</i> (К.И.Чуковский.«Загадки»)
припевочки	<i>А у нас есть девочка, Звать её Алёнушка, Девочка-припевочка, Круглая головушка.</i> (Е.А.Благинина.«Алёнушка»)
Моя	<i>А ты опять вздыхаешь, Печаль в глазах тая, Какая ж ты смешная, Девочка моя.</i> (Л.А.Рубальская.«Доченька»)

Муаллифларнинг ушбу луғати юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Рус тилининг ассоциатив ўқув луғати»дан⁵¹ фаркланиб қизча лексемасига келтирилган ассоциатларга изоҳ эмас, рус болалар адабиётининг машҳур вакиллари Ш. Перро, М.И. Цветаева, К.И. Чуковский, Е.А. Благинина, Л.А.Рубальскаялар ижодидан парчалар келтирилган. Ассоциациялар майдонида рус миллатига алоқадор миллий-маданийлик белгисига кўра ажралиб турувчи вербал ифодалар – «Мать любила её без памяти, а бабушка ещё больше», «прилетел ангелочек», «Кукле вяза ла чулок», «Круглая головушка», классик болалар адабиёти тимсоллари «Қизил Шапкача» («Красная Шапочка»), «Алёнушка», «Девочка-припевочка» каби прецедент бирликларнинг келтирилиши нафақат тилшунослик, балки маданиятшунослик, маънавиятшунослик фанлари учун аҳамиятга эга.

XX аср охирларида рус тилида яратилган болалар энциклопедиялари таъсирида ўзбек тилида ҳам «У ким. Бу нима» номли илк болалар энциклопедияси⁵² яратилади. Мустақиллик йилларида ушбу китоб «Мўъжиза китоб»⁵³ номи билан қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилади. Аннотацияда таъкидланганидек, луғатда барча материаллар содда ва оммабоп тилда ифодаланган, мавзу жиҳатидан турли бўлимларга ажратилган. Энциклопедик луғатларда асосий мақсад сўз эмас, балки муайян тилда шу сўздан англашилган тушунча учун асос бўлган нарса, тарихий воқеа, ижтимоий, сиёсий, маданий, табиий ҳодисалар, шахслар, географик номлар ҳақида умумий маълумот беришдан иборат бўлади. Бу эса энциклопедик луғатларнинг муайян миллат маданияти, маънавияти, эътиқоди, урф-одатлари, умуман, миллат қиёфасини экс эттириш билан бирга умуммаданий қадриятларни ҳам акс эттиришнинг муҳим воситаси эканини кўрсатади.

Шу боис луғат гарчи мустақиллик йиллари ўқув луғатчилиги маҳсули бўлса-да, 1987 йилда ўз даври анъаналари, мафкураси манфаатларига мос тарзда нашрга тайёрланган «У ким. Бу нима» энциклопедияси негизда

⁵¹ Тарасов Е.Ф., Дронов В.В., Ощепкова Е.С. Учебный ассоциативный словарь русского языка. – СПб. Златоуст, 2017. – 356 с.

⁵² У ким. Бу нима. Болалар энциклопедияси. 3 томлик. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1987.

⁵³ Мўъжиза китоб: Болалар учун универсал энциклопедия: Уч жилдлик. (Тузувчи Н. Николаева) – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Ж. 1. – 686 б.; Ж. 2. – 607 б.; Ж. 3. – 685 б.

яратилганлиги сабабли луғат сўзлигини танлаш ва уларни изоҳлашда рус маданияти, умуммаданий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашилганлиги яққол сезилиб туради:

Ўсимликка нега она ва ўғай она деб ном беришган?

Деярли барча эртақларда ўғай оналар баджаҳл, шафқатсиз тасвирланади. Бечора Золушканинг бешафқат ўғай онасидан қанчалар азоб чекканини ёки бахтиқаро Настяни баджаҳл ўғай онаси қишнинг изғиринли кунларида ўрмонга ҳайдаб юборгани, Морозко уни самимий қалби учун шафқат қилгани ва ўлмай қолганини бир эсга олинг.

«... Баргининг бир томони мутлақ силлиқ ва сийпаласангиз совуқ, иккинчи томони момик билан қоплангани сабабли майин ва юмшоқ бўлгани учун Россиядаги ўсимликлардан бирига она ва ўғай она (бизда уни туятовон дейишади) деб ном беришган»⁵⁴.

Шу билан бирга луғатда ўзбек халқи тарихи, маданияти, маънавий қадриятларига алоқадор тушунчалар ҳам ифодасини топганини кўриш мумкин:

Хонқизи бахт келтирадими?

Хонқизилар оиласига мансуб беғараз кўнғизларнинг уч мингдан ошиқ тури мавжуд. ... Шуниси қизиқки, хонқизидек митти ва беғараз жонивор ҳам захарли қони билан ўзни душманларидан ҳимоя қилишга қодир экан.

... Одамлар орасида хонқизи муваффақият келтиради, деган бир гап юради. Бу мақсад амалга ошиши учун хонқизи қўлга ёки кийимга қўнганда, тахминан мана шундай дейишади: «Хонқизи, хонқизи, оққа уч, тоққа уч, менга олиб кел оқ нон, қора нон, фақат куймаганидан»⁵⁵.

Шундай бўлса-да, мазкур болалар энциклопедияси болалар учун чиқарилган аввалги энциклопедиялардан кескин фарқ қилиб ўз даврида мактабгача ёшдаги болалардан тортиб ўрта мактаб ўқувчиларигача бемалол фойдаланишлари мумкин бўлган «ўта ноёб нашр» ҳисобланган.

Ўзбек тилида мактабгача ёшдаги ҳамда бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган ва бевосита ўзбек миллий маданияти, маънавияти муштараклиги ифодаси акс этган луғатларнинг пайдо бўлиши яқиндан кузатила бошлади. Миразиз Аъ замнинг 2016 йилда нашр этилган «Минг бир сўзни биламан»⁵⁶ деб номланган рангли-безакли луғатини тил, маданият, маънавият муштараклиги акс этган болалар луғатининг нисбатан мукаммал намунаси сифатида кўриш мумкин.

Луғатда нафақат адабий тилда мавжуд бўлган сўзлар, балки маҳаллий шеваларда қўлланадиган сўзлар ҳам изоҳини топган, мисоллар келтиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан ўринли фойдаланилган:

АДА

Ада шевага хос сўз бўлиб, кўп шаҳар ва қишлоқларда, жумладан, Тошкентда ҳам болалар дада (ота)сини **ада** деб чақиради. Аёллар эса

⁵⁴Мўъжиза китоб: Болалар учун универсал энциклопедия. Уч жилдлик. (Тузувчи Н. Николаева) – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Ж. 1. – 686 б. – Б. 355.

⁵⁵ Ўша манба. – Б. 457.

⁵⁶ Miraziz A'zam. Ming bir so'zni bilaman: Bolalar uchun rasmi izohli lug'at. – Toshkent: O'zME, 2016. – 200 b.

эрларининг исмини айтиб чақирмай, ҳурмат юзасидан болаларнинг тилидан **адаси** деб чақиради.

«Бола: – Ада, ҳорманг,

Ишга борманг.

Мани кўтаринг,

“Оҳ” оберинг!»⁵⁷(Болалар кўшиғи) (5–6-бет).

Тил туфайли миллат ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари сақланиб қолади. Болаларга ёшлигидан она тилининг лексик сатҳи, грамматик курилиши, илмий меъёрларини ўқитиш баробарида миллат маданияти, урф-одати, расм-русумлари, табиати ва бошқа жиҳатлар ўргатиб борилад экан, тил ва у орқали миллатнинг яшаб қолишига эришилади.

Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Тилнинг сақланиши, бойиб бориши, тараққий этиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Луғатлар эса ушбу хазинани ўзида тўплаб фойдаланувчига бутунича тақдим этади. Сўнгги йилларда «Менинг биринчи луғатим» сериясида мактабгача ёшдаги болалар учун нашр этилган Б.Баҳриддинова ва З.Раҳматоваларнинг «Оламменинг нигоҳимда», А.Ботированинг «Мева ва сабзавотлар», Хуршида Сатторзоданинг «Ҳайвонот олами», М.Турдиеванинг «Кийим-кечаклар», Ш.Раҳимованинг «Байрамларимиз», Н.Юлдошева ва Р.Набиеваларнинг «Сўздан сўзни фарқлаймиз», К.Раҳимованинг «Менинг оилам» номли рангли-безакли ўқув изоҳли луғат-қўлланмаларида ҳам тил, маданият, маънавият муштараклиги ўз ифодасини топганини кузатиш мумкин⁵⁸.

Ишнинг учинчи боби **«Ўзбек тилининг мактаб ўқув луғатларида тил ва маданият яхлитлиги талқини масаласи»** деб номланади ва унда умумий луғат билан ўқув луғатининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, ўқув луғатларининг ижтимоий аҳамияти, мақсад ва вазифалари, таълим олувчининг муайян фан бўйича билимларини мустаҳкамлаш ҳамда унинг шахс сифатида камол топиши, нутқи, дунёқарашини шакллантириш, прецедент бирликлар – прецедент номлар, прецедент бирликлар ва прецедент матнларга таяниб иш кўрувчи ассоциатив ўқув луғатларининг роли, унда оламнинг лисоний манзарасини чизишдаги ўрни, она тили жараёнида

⁵⁷Aristonova V.V., Galpershteyn L.Y. va bosh. Mening eng birinchi ensiklopediyam (2- kitob). Tarj. T. Alimov. – Toshkent: Cho'lpon, 2010. – 192 b. – B. 5-6.

⁵⁸Bahriddinova B.M., Rahmatova Z. Mening birinchi lug'atim. Olam mening nigohimda. Rangli-bezakli o'quv lug'at. 5–7 yoshli bolalar uchun. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 56 b.; Tursunova Y. Mening birinchi lug'atim. Rangin olam. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 32 b.; Botirova A. Mening birinchi lug'atim. Meva va sabzavotlar. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 36 b.; Sattorzoda X. Mening birinchi lug'atim. Hayvonot olami. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 52 b.; Turdiyeva M. Mening birinchi lug'atim. Kiyim-kechaklar. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 31 b.; Rahimova Sh. Mening birinchi lug'atim. Bayramlarimiz. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 56 b.; Bobojonova Sh. Mening birinchi lug'atim. Komillik sari ilk qadam. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 42 b.; Yuldosheva N., Nabiyeva R. Mening birinchi lug'atim. So'zdan so'zni farqlaymiz. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 32 b.; K. Raximova. Mening oilam. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. – Qarshi: Nasaf, 2019. – 43 b.

лингвомаданий ўқув луғатларининг ўрни ва аҳамияти кабилар бўйича фикр билдирилган. Модомики, тил шу тил соҳибларининг миллий маданияти кўзгуси, инсониятнинг ўз тарихи, маданияти, эътиқоди ва бошқа муҳим қирраларини юзага чиқариш, миллий ўзлигини кўрсатиш воситаси экан, уни, хусусан, она тилини ўқитиш ўқувчининг шу тил соҳиби бўлган халқ маданияти, маънавиятига дахлдор бой тажрибани ўзлаштириши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Лингводидактиканинг асосини тил лексик қатлами бирликларининг миллат маънавияти, маданияти, урф-одатлари, ижтимоий ва ахлоқий меъёрларини ифодалаш билан боғлиқ қирраларини тадқиқ этиш ва қўлга киритилган амалий натижаларни замонавий ўқув жараёнида татбиқ қилиш орқали ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ватанпарварлик ва жамиятнинг маданий анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш ташкил қилади. Шу боис ўқув луғатининг ҳар қандай турида миллий маданият, маънавият ифодасини кўриш мумкин.

Мактаб она тили таълими олдига қўйилган барча вазифаларни амалга оширишда фақат дарсликка таяниб бўлмайди. Дарслик миллат тили, маданияти, маънавияти, тарихига доир барча масалаларни тўла қамраб олиш имкониятига эмас. Бу эса дарсликка ёрдамчи воситалар – турли мақсаддаги ахборот манбалари, луғатларга бўлган талабни ошироқда. Айни пайтда ўзбек лексикографиясида маданий йўналтирилган луғат намуналари яратилган. Ўқув луғатининг ҳар қандай турида миллий маданият, маънавият ифодасини кўриш мумкин, аммо ўқув жараёнига максимал даражада мослаштирилган соф лингвомаданий характердаги ўқув луғатлар ҳали яратилмаган.

Диссертациянинг *«Ўзбек тили корпусларида тил ва маданият талқини вазифалари»* деб номланган тўртинчи боби уч бўлимни ўз ичига олади. Бобда дунё тил корпусларида тил ва маданият муштараклиги ифодаси, ўзбек тили умумий корпусларида тил ва маданият уйғунлиги муаммоси, ўзбек тили махсус корпусларида тил ва маданият яхлитлиги талқини масалалари таҳлил этилган. *«Дунё тил корпусларида тил ва маданият муштараклиги ифодаси»* деб номланган биринчи бўлимда махсус корпусларнинг юзага келиши ва уларнинг такомиллашув жараёнлари ҳақида, дунё тил корпусларида маданият ва тилнинг ўзаро боғлиқлиги, тил воқеликни акс эттириши масалалари кўриб чиқилмоқда. Ҳозирги кунда маданият ва тилнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи жуда мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, бир қатор методологик ёндашувларда намоён бўлади. С.А.Атановский, Г.А.Брутиан, Э.И.Кукушкина, Э.С.Маркарян каби файласуфлар томонидан ишлаб чиқилган биринчи ёндашув тил ва маданиятнинг бир томонлама ҳаракат билан ўзаро боғлиқлигини асослайди. Тил воқеликни акс эттириши, маданият эса бу воқеликнинг ажралмас таркибий қисми бўлганлиги сабабли тил маданиятнинг оддий аксидир. Шундай қилиб, маданиятнинг тилга таъсири аниқ, тилнинг маданиятга таъсири масаласи ҳозирча очиқ қолмоқда.

XIX аср файласуф тилшунослари В.Хумбольдт, А.А.Потебня ва бошқалар тилни маънавий куч, руҳият ифодасичи сифатида талқин қилишади. Тил шундай муҳитки, унинг иштирокисиз жамиятда яшай олмаймиз. В. Хумбольдтнинг фикрига кўра, тил – «инсон ички олами ва ташқи воқелик орасида мавжуд бўладиган олам»⁵⁹.

Э.Сепир, Б.Уорф мактаблари иккинчи ёндашувни илгари суради: муаммони янги хумбольдтчиларнинг турли мактаблари тадқиқ этиб тилнинг нисбий гипотезани ишлаб чиққан. Уларнинг фикрича, одамлар дунёни ўз она тили призмаси, яъни турли йўллар билан кўришади. Унинг тарафдорлари: «Ҳақиқий дунё тилда қандай акс этса, шундай ҳолатда мавжуд», – деган қарашни ёқлашади. Тил ва маданият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақидаги кейинги (учинчи) қараш ҳам мавжуд.

- 1) у ота-боболаримиздан мерос қолган маданиятнинг ажралмас қисми;
- 2) тил – маданиятни ўргатадиган асосий восита;
- 3) тил – барча маданий ҳодисаларнинг энг муҳими. Зеро биз маданиятнинг моҳиятини – фан, дин, адабиётни англамоқчи бўлсак, унда бу ҳодисаларни тил каби шаклланган кодлар сифатида кўриб чиқишимиз керак. Негаки табиий тил – энг яхши ривожланган моделга эга.

Шунинг учун: «Маданиятни концептуал тушуниш фақат табиий тил орқали амалга ошиши мумкин»⁶⁰.

«Ўзбек тили умумий корпусларида тил ва маданият уйғунлиги муаммоси» деб номланган иккинчи бўлимда ўзбек тили умумий корпуси яратилиши масалалари таҳлил қилинади. Ўзбек тили кибермайдонда қандай кучга эга: ўзбек тилида қандай восита/дастур бу тилнинг гўзаллигини кўрсата олади, ўзбек тилининг умумий корпусларида тил ва маданият муштараклигининг намоён бўлиши ҳақида фикр билдирилган. Тил корпуси – маълум бир тилнинг ифодаси, унинг имкониятлари ҳамда назокатини кўрсатувчи ойна. Корпус – тилнинг ўзига хос хусусияти, вариантларини акс эттирувчи, бир неча белги асосида танлаб олинган электрон шаклдаги матн парчаларидан иборат, лингвистик тадқиқот учун асос вазифасини ўтайдиган тизим. Вақт ўтиши билан корпуслар турли лингвистик йўналишлар учун аҳамиятли бўлиши билан кучли информацион ресурсга айланди. Чунки корпус лексикография соҳаси учун ҳам бой манба ҳисобланиб улар асосида луғатлар аввалгига нисбатан тезлик билан тузилади, қайта ишланади. Корпуснинг амалий аҳамияти шундан иборатки, сўзнинг қўлланиш даври, частотасини аниқлашда ҳеч қандай восита унга тенглаша олмайди. Бирорта частотали луғат корпусчалик аниқ маълумот беролмайди, чунки тил доим ўзгаришда, сўзнинг частотаси ҳам нисбийдир⁶¹. Бундан ташқари, корпус тилнинг луғат бойлигида бўлаётган ўзгаришлар(неологизм, историзм, архаизм ҳодисалари)ни кузатишнинг энг қулай воситаси бўла олади. Натижада, унда халқнинг этноспецифик хусусиятлари яққол намоён бўлади:

⁵⁹ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: «Академия», 2001. – С. 60.

⁶⁰ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: «Академия», 2001. – С. 62.

⁶¹ Ўша манба.

табийки, маданияти, тарихи, адабиёти, санъати ҳам шу жиҳатдан ойдинроқ акс этади.

Ж.С.Головко «Тил ва маданият: ўзаро таъсир объектлари» номли мақоласида *нутқ маданияти, нутқ маданияти меъёри* каби атамаларни кўп маъноли атама сифатида баҳолайди; тилга маданиятни трансляция қилувчи восита сифатида қарайди, чунки тил халқ маданияти ва тарихига қўйилган мислсиз ёдгорликдир⁶².

Бундай долзарб масала ечими кибермайдонда ўзбек тили учун қандай кечади? Ўзбек тили кибермайдонда қандай кучга эга: ўзбек тилида қандай восита/дастур бу тилнинг гўзаллигини кўрсата олади? Ҳозирча кибермайдонда ўзбек тили фақат Википедия, Google қидирув тизими, Googletranslate таржимонида мавжуд. Шунда ҳам улардан ўзбек тилида қидирувни амалга ошириш натижаси замон талабларига жавоб бермайди. Ўзбек тилида миллий корпуснинг мавжуд эмаслиги муҳокамага тортилаётган масалага бошқа призмадан қарашни тақозо этади. Биз ишнинг ушбу бўлимида яратилажак ўзбек тили умумий/миллий корпусларида тил ва маданият муштараклигига эриш усуллари масаласига тўхталамиз. тил корпусида маданият категорияси алоҳида ўрнига эга бўлиши талаб этилади. Тил корпусидан маданият ЛСГ кирувчи бирликларнинг ўрин эгаллашига корпус материалининг репрезентативлиги орқали эриши мумкин.

Тил ва маданият ўзаро боғлиқ. Бир томондан, ҳар бир маданият ўз тилини ривожлантиради; юқори даражадаги маданий моделлар тил шакллари ва мазмунида акс эттирилган. Бошқа томондан, тил тафаккур тузилишини белгилайди ва шу тариқа маданиятни шакллантириш элементларидан бири бўлади. Бироқ бу тушунчалар ўртасида бир хил белги қўйиш нотўғри бўлади. Маданият фақат тил билан белгиланмаганидек, тил ҳам фақат маданиятнинг ифодаси эмас. Лисоний хилма-хиллигини сақлаш ҳамда ривожлантириш маданий хилма-хилликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг фақат битта жиҳати. Киберкенглик ёки виртуал олам ҳодисалари – маданият маҳсули, унинг ифодаларидан бири. Яъни, бир томондан, маданият муҳит сифатида кибермайдоннинг ривожланиш динамикасини белгилайди, иккинчи томондан, киберкенглик маданиятнинг намоён бўлиш воситаси ҳисобланади.

Масалан, кейинги вақтларда қулоғимизга *фейк хабар, фейк янгилик* деган бирикмалар тез-тез чалиниб туради. Ўзбек тилига ўзлашишга ҳали улгурмаган ушбу сўз фақат кибермайдонда мавжуд. Аммо адабий тилга ўзлашмаган, ўзбек тили луғатларида мавжуд эмас. Ушбу ифодалар ижтимоий-маданий соҳага тегишли эканлиги инобатга олсак, демак, тил корпусида шундай сўзнинг мавжудлиги ўзбек маданиятида шундай воқеликнинг борлигини кўрсатиб туради. Демак, ўзбек ижтимоий-маданий ҳаётига *фейк хабар тарқатиш* ҳодисаси кириб келган; ўзбек маданиятига хос бўлмаган бундай иллат манфаатдор кучлар томонидан кибермайдон орқали таъсир қилиш билан эришиляпти. Ҳар қандай маданият доимо

⁶² Головко Ж. С. Культура и язык: аспекты взаимодействия // Научные ведомости БелГУ. – №12 (52), 2008. – С. 173-179.

Ўзгариб туради; ҳар қандай кенг ижтимоий мақсадларни белгилашда, жумладан, тилга тараққиёти, маданий тараққиёт ҳам. Агар ўзбек тили корпусларини яратиш мақсадига эришилса, тил ва маданиятни киберхужумдан сақлаш; уларни ривожлантириш муаммосига ечим топамиз.

Маданият АКТ ва интернет майдонининг ривожланишда ташқи/ички омили; шунингдек, ўзаро таъсир моделларида жамият маданий кадриятларининг тимсоли бўлади. Ўзбек тили миллий корпусида маданиятни ифодаловчи атов бирликларини теглаш, бундай тушунча ва бирликларни кидирув ойнасида кўрсатиш ўзбек маданий қиёфасини кўрсатиш, ўзбек тили назокатини сақлаш; келажак авлодга маданий қиёфамизни олиб ўтиш; ўзбек кадриятларини маълумотлар иерархиясида акс эттириш имконини беради. Ҳар қандай электрон маҳсулот яшовчанлиги билан ажралиб туради. Тил корпуслари ҳам электрон воситанинг бир кўриниши. Демак, ўзбек тили корпусларида тил ва маданият муштараклигига эришиш ўзбек кадриятларини келажак авлодга қолдириш омили бўлиши мумкин.

Ўзбек тили корпусида маълумот/ахборотлар тил ва маданият муштараклигига эришиши қуйидаги натижаларга хизмат қилади:

1. Ўзбек тили корпусларини иложи борица тил ва маданиятни сақлаш мақсадига жавоб берадиган кадриятлар ҳақида материал билан тўлдириш, шу орқали кибермайдонда ўзбек маданиятнинг ўзига хослигини сақлаб қолишга эришиш.

2. Мавжуд кадриятлар иерархиясида ахборотлар аҳамиятини оширишнинг мумкин бўлган усулларини кўриб чиқиш, чунки у кибермайдонни ривожлантириш муайян маданиятлардаги ўзаро ҳамкорлик муаммоларини ечиши мумкин.

3. Мавжуд кадриятлар иерархиясида маданиятлараро ўзаро боғлиқлик аҳамиятини ошириши мумкин бўлган ғояларга урғу бериш; шундай тушунчалар акс этган контексларни кўпайтириш.

Тил корпусида маданият категориясининг берилишида халқ мақолларининг корпус бирлиги сифатида танланиши ҳамда матн ичида мавжуд халқ мақолларининг семантик яхлит бирлик сифатида тегланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, халқнинг этник фазилат ва иллатларини кўрсатувчи энг ноёб манба ҳам бўлади. Халқ мақолларининг алоҳида корпуси тузиладиган бўлса, ҳар бир миллат ва элатга мансуб лингвокультуремалар яққол кўзга ташланади. Бир халқ учун кадрият саналган нарса/ҳодиса/шахс/воқелик бошқа халқ учун кадрият бўлмаслиги мумкин. Бу эса тил корпусида маданиятни ифодаловчи тил бирликларининг умуммаданий, этносоциал хосланишини статистик ва семантик таҳлил қилишга йўл очади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек тили миллий корпуси ўзбек маданияти, кадрияти, санъатини ифодаловчи матнлар билан бойитилса, кибермайдонда ўзбек маданияти яққол кўринади. Ўзбек тили миллий корпусида *сумалак*, *бешик*, *алла* каби тушунчаларни ифодаловчи атов бирликлар частотасининг баландлиги кибермайдонда ўзбек миллатининг ўзига хослигини кўрсатишга имкон беради.

«Ўзбек тили махсус корпусларида тил ва маданият яхлитлиги талқини масаласи» деб номланган бўлимда махсус корпусларда маданият категориялари ифодаси, ўзбек тили махсус корпусларида тил ва маданият муштараклигини ўрганиш воситаси ҳамда ўзбек тили махсус корпуслари материалига лингвокультурологик ёндашув ҳақида сўз юритилади. Корпуснинг тузилиши, мақсади, турғун ёки ўзгарувчанлиги каби жиҳатига кўра бир неча турга бўлинади. Мутахассислар уларни турлича таснифлашади⁶³. Мақсади, олдига қўйилган вазифаси, сақлаш шаклига кўра (овозли, ёзма, аралаш) (а); матн тилига кўра (бир ва кўп тилли) (б); жанрий мансублигига кўра (адабий, диалектал, оғзаки, публицистик, аралаш) (в); корпусга кириш имкониятига кўра (эркин, тижорат корпуслари, ёпик) (г); мақсадига кўра (тадқиқий, иллюстратив) (д); ўзгарувчанлигига кўра (динамик (монитор), турғун) (д); қўшимча ахборотга эгаллигига кўра тегланган ва тегланмаган (е) каби шакллари мавжуд. Ш. Ҳамроева В. Захаров фикрига таяниб тил корпусларининг ушбу жадвалда кўрсатилган таснифини келтиради:

Корпус турлари таснифи

Тасниф белгиси	Корпус турлари
Нутқ турига кўра	Оғзаки, ёзма, аралаш
Матн тилига кўра	Русча, инглизча ва ҳ.к.
Параллеллигига кўра	Бир тилли, икки тилли, кўп тилли
Матннинг ихтисослашувига кўра	Бадий, диалектал, суҳбат, терминологик, аралаш
Жанрига кўра	Адабий, фольклор, драматик, публицистик
Кириш усулига кўра	Эркин, пуллик, ёпик
Мақсадига кўра	Тадқиқий, тавсифий
Изоҳланишига кўра	Қўшимча изоҳли, изоҳсиз
Ўзгарувчанлигига кўра	Ўзгарувчан, турғун
Структурасига кўра	Марказий, архив, маҳаллий
Изоҳ хусусиятига кўра	Морфологик, синтактик, семантик
Матн ҳажмига кўра	Тўлиқ матнли, лавҳа матнли
Хронологик жиҳатига кўра	Синхрон, диахрон
Умумийлигига кўра	Умумий, яқка муаллифли

Махсус корпуслар мақсадига қараб турли хилдаги матнларни қамраб олади, уларда маданият категориялари ифодаси ҳам ўзига хос бўлади.

Ю.Н. Караулов рус адабий тилининг энг кўп тарқалган соҳаси (услуги) сифатида куйидаги 7 гуруҳни ажратади:

- 1) ёзма ёдгорликларнинг ўлик тили;
- 2) оғзаки шева шакли;

⁶³Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол. фан. бўйича фалс. ... докт. дис. – Бухоро, 2018. – 250 б. – Б. 161.

- 3) адабиёт, иш ҳужжатлари ва оммавий ахборот воситаларининг ёзма тили;
- 4) кундалик мулоқот тили ва оддий сўзлашув;
- 5) илмий, техник ва касбий тил;
- 6) электрон ҳисоблаш тизимларидаги рус тили;
- 7) хориждаги рус тили⁶⁴;

Махсус корпуслар тил материали услуби жиҳатидан шундай услубларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Ю.Н. Караулов санаб ўтган услублар нисбий тарзда ўзбек тилида ҳам мавжуд дейиш мумкин. Демак, ўзбек тилидаги махсус корпуслар, биринчи навбатда, услуби билан фарқланади. Услубда эса маданият категориялари турлича ифодаланади. Атрофдаги дунёнинг ташқи қиёфаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маданий кодлар замонавий инсон дунёсининг лисоний картинасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бадий адабиётнинг маданий код ташиш хусусияти ниҳоятда кучли. Бундай асарлар мутолааси ўқув, услубий мақсадда янада кўпроқ хизмат қилади: минтақавий географик маълумотлар билан тўлдирилган, маълум бир ҳудуддаги ҳаётнинг миллий-маданий хусусиятларини, қарашларини акс эттиради. Хулоса шуки, ўзбек тили махсус корпусларида маданият категориясининг юзага чиқиши корпусда этно-маданий колоритга эга бирликларни ажратиб кўрсатиш (семантик теглаш) орқали амалга оширилиши мумкин.

ХУЛОСА

1. Лексикография луғат тузишнинг назарий масалалари, луғатчилик тарихи, мавжуд (яратилган) луғатларнинг тавсифи билан шуғулланиб, унда луғатлар ҳақида эмас, луғатлар борасида бажарилган тадқиқотлар борасида фикр юритилади; лексикографик тадқиқот натижалари луғатчилик амалиётига татбиқ этилади. Лексикография – назарий босқич, луғатчилик – татбиқий мазмундаги амалий босқич. Лексикографик тадқиқотлар ўзида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатни бирлаштиради. Назарий лингвистик хулосаларнинг янги амалий лексикографик маҳсулотлар учун инновацион моделларини яратиш – лексикографик тадқиқотларнинг асосий вазифаси. Демак, лексикография (луғатшунослик) ва луғатчилик, лексикограф ва луғатчи фарқланиши лозим.

2. Сўз танлаш ҳар қандай луғатчилик муаммоларининг марказида туради. Луғат эса табиий тил лексикасидан орқада юради. Бунинг ташқи ва ички омили сифатида луғатларнинг ташқи жиҳатдан чекланганлик ҳамда ички жиҳатдан ўзини чеклаш хусусиятини кўрсатиш мумкин. Адабий нутқ ва шевавий нутқ, эскирган қатлам ва замонавий қатлам, фаол қатлам ва нофаол қатлам, апеллятив қатлам ва терминологик қатлам орасидаги чегара аниқ эмас: тилнинг узлуксизлиги бундай чегара пайдо бўлишига тўсқинлик қилади.

3. Оммабоп, умумий изоҳли луғатлардаги терминологик маънолар кейинги ўринга туширилиб, энг фаол ижтимоий маъно биринчи ўринга чиқарилиши луғат фунцияси ва моҳиятига мос келади. Инсоннинг

⁶⁴ Караулов Ю.Н. О состоянии русского языка современности. – М., 1991. – С.7.

ижтимоий мавқеи унинг дунёқараши, маданий савияси, ақлий ва ахлоқий камолоти билан боғлиқ. Сўзнинг грамматик гуруҳи (туркуми) маданий баҳо нуқтаи назаридан ҳар хил. Кузатишда маданий хосланган қийматли отлар жами маданий хосланган сўзларнинг 85 фоизини (300 от), феъл ва олмошлар 10 фоизини (38 та), бошқа сўзлар 5 фоизни ташкил этиши аниқланди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида лингвокультурологик хосланган отларнинг миқдори кўп, уларнинг ички гуруҳлари ҳам ранг-баранг эканлиги аён бўлди.

4. Лингвокультурема бошқа тилга таржима қилинмайди, у реалия сифатида мавжуд; нари борса, калька асосида берилади. Тиллар орасидаги дивергенция этнолингвомаданий фарқ давр, муҳит, мафкура ва бошқа омиллар таъсирида содир бўлади. Бу фарқлар ҳозиржавоб, тезкор луғатларда муттасил равишда, объектив тарзда акс эттирилиши зарур. Бугунги изоҳли ва таржима луғатларида лингвомаданий фарқ ва ўхшашликларга кам эътибор қаратилади. Давр уларнинг бу жиҳатини такомиллаштиришни тақозо этади.

5. Дунё луғатчилигида *маънавият* тушунчаси *маданият* концептидан фарқли, шу луғатни яратувчи миллат дунёқараши ва маданиятни нечоғлиқ чуқур тушунишига кўра изоҳ топади. *маданият* тушунчасига доир қатор таърифлар субъектив аҳамиятга эга бўлмасдан, инсониятнинг қўлга киритувчи моддий-маънавий неъматлар моҳиятини қанчалик англаши баробарида изоҳланувчи ҳолат ҳисобланади. Таҳлиллар давомида собиқ тоталитар тузуми даврида чоп этилган луғатларда *маънавият* атамасига мурожаатларнинг мавжудлиги умуман кузатилмади. Бу миллат дунёқараши, маданияти, маънавий жиҳатдан ўзликни англаш руҳига узоқ йиллик беписанд қараш бўлиб келганини исботлайди. Маданият ҳамда маънавият таърифида миллий ўзига хосликнинг кузатилиши табиий ҳол бўлганлиги боис луғатшунос ва тадқиқотчилардан бу жараёнга алоҳида масъулият ва ватанпарварлик талаб қилинади.

6. Ўқув луғатлари ўқувчида лингвистик, коммуникатив, лингвомаданий, лингвомаънавий, этнолингвистик компетенцияларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек ўқув лексикографиясида ўқув жараёнига мослаштирилган соф лингвомаданий характердаги ўқув луғатларининг яратилмаганлиги она тили таълими олдига қўйилган муҳим ижтимоий вазифаларни тўла бажаришга тўсқинлик қилмоқда. Бу эса узлуксиз таълимнинг турли бўғинида таҳсил олувчига мўлжалланган ўқув изоҳли луғат, ўқув ассоциатив луғат, фразеологизмлар ўқув луғати, турли лексик қатламлар – ўзбек тили синонимлари, антонимлари, паронимлари ўқув луғати, кўп маъноли сўзлар луғати, шунингдек, оламнинг илк миллий лисоний манзараси билан танишиш ёшида бўлган мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган рангли, безакли, ўқув энциклопедияларни яратишни тақозо қилади. Чунки дарслиқда миллий-маданий тушунчаларни кенг қамраб олишнинг имкони йўқ. Луғавий бирликларнинг миллий-маданий таркибий қисмларини тизимли семантизациялашда лингвомаданий ўқув луғатларининг ўрни муҳим.

7. Тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи жуда мураккаб ва кўп қиррали: тил воқеликни акс эттириши, маданият эса бу воқеликнинг

ажралмас таркибий қисми бўлганлиги сабабли тил маданиятнинг оддий аксидир. Маданият “тил қобиғида” яшайди, таракқий топади, шу сабабли тил нафақат алоқа воситаси, балки бебаҳо тарихий ёдгорлик, халқ маданиятининг хазинаси сифатида намоён бўлади. Маданият, нутқ, инсоният цивилизация ядросини ҳимоя қилади, бу ядро кибероламда яққол намоён бўлади. Тил корпусида умумхалқ тили намоён бўлар экан, унда тилнинг маданиятни акс эттириш имкони кенг бўлади. Тил корпуси – кўп мақсадли электрон ресурс: турли лингвистик, маданий, хусусан, тиллараро, маданиятлараро муносабатлар бўйича тадқиқот олиб бориш учун қулай восита. Корпус маълум тил лаҳжасининг социокультурологик ифодаларини объектив кўрсата олади; она тилида сўзлашадиган, яқин, аммо бир хил бўлмаган маданият вакиллари ички оламининг аксиологик картинасидаги фарқни аниқлашга ёрдам беради.

8. Минтақалар тили ва маданиятини ўрганиш бозор иқтисодиёти учун ниҳоятда долзарб. Бу жараёнда электрон восита – тил корпуси беқиёс ёрдамчи сифатида майдонга чиқади. Автоматлаштирилган таржима учун компьютер дастурлари яратиш (1); шрифтларни ривожлантириш (2); интернетда тилни тарғиб этиш, интернет сайтларини яратиш учун (шахсий саҳифадан мултимедиа порталига) ёзма, овозли ёки иконографик ҳужжатларни интернетга жойлаштириш орқали тил, у орқали маданиятга оид ифодаларнинг сақланишини таъминлаш (3); интернетда кўп тилли қидирув тизимларини ривожлантириш (4) бозор иқтисодиётининг эҳтиёжини қондиришга олиб келади. Тилнинг кибермайдонда яшовчанлигини таъминлаш, тил корпуси орқали улардан фойдаланишни енгиллаштириш (1) озчилик томонидан ишлатиладиган тил ва маданиятни сақлаб қолиш; (2) таълим мақсадларига хизмат қилиш, хусусан, она тилида сўзлашувчилар сонининг кўпайишига кўмаклашиш; (3) интернетда кўп фойдаланиладиган тилларни билмайдиган одамлар гуруҳларини четга суришни чеклаш; (4) лингвистик, лингвокультурологик, маданият, адабиёт, санъат, психологияга оид тадқиқот ва тарихий мақсадларда фойдаланиш каби афзалликларни пайдо қилади.

9. Ўзбек тили корпуслари яратилса, тил ва маданиятни киберҳужумдан сақлаш; уларни ривожлантириш муаммосига ечим топилади; ўзбек тили корпусида маълумот/ахборотлар тил ва маданият муштараклигига эришиш (1) ўзбек тили корпусларини имкон қадар тил ва маданиятни сақлаш мақсадига жавоб берадиган кадриятлар ҳақидаги материал билан тўлдириш, шу орқали ўзбек маданиятнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш; (2) мавжуд кадриятлар иерархиясида ахборот алмашинуви аҳамиятини оширишнинг эҳтимолий усулларини кўриб чиқиш; (3) мавжуд кадриятлар иерархиясида маданиятлараро ўзаро боғлиқлик аҳамиятини ошириши мумкин бўлган ғояларга урғу бериш; шундай тушунчалар акс этган контексларни кўпайтириш каби вазифаларга хизмат қилади.

10. Ҳажман у қадар катта бўлмаган, алоҳида тадқиқий топшириққа хизмат қилувчи, маълум бир мақсадни кўзлаган, тузувчи режасига мувофиқ яратилган махсус корпус айни шу белгилари билан Миллий корпусдан

ажралиб туради. Бадиий асар матнлари маданий кодни ташувчи ҳамда лингвомаданий ахборотнинг актуал манбаи бўлганлиги сабабли, тил корпуси бирлиги саналган бадиий матн парчаси ҳам табиий равишда маданий код ташиш ҳамда лингвомаданий ахборотнинг актуал манбаи вазифасини бажаради. Бошқа тилда эквиваленти бўлмаган лингвокультуремалар тил корпусида алоҳида аҳамиятга эга. Бундай бирлик тилнинг маданиятга оид хусусиятини ёрқин намойиш қилади. Миллий ва махсус корпусларда бадиий асарлардан намуна келтириш шундай сўзлар частотасининг ошишига олиб келади. Маданий кодни дешифрлаш метафорик оборот асосида қурилган адабий кодлар билан бирлашса, бадиий адабиётда оламнинг лингвистик манзарасини, замонавий этно-маданий ҳамжамият вакилининг руҳий ҳолатини тушунишни кенгайтиришга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НИГМАТОВА ЛОЛАХОН ХАМИДОВНА

**ПРОБЛЕМЫ ЕДИНСТВА ЯЗЫКА И КУЛЬТУРЫ В УЗБЕКСКОЙ
СЛОВАРИСТИКЕ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ**

10.00.01 – Узбекский язык

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора филологических наук (DSc)

Бухара - 2021

Тема диссертации доктора филологических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.DSc/Fil178

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Бухарского государственного университета (www.buxdu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Менглиев Бахтиёр Ражабович,
доктор филологических наук, профессор

Оппоненты:

Раупова Лайло Рахимовна
доктор филологических наук, профессор

Маматов Абди Эшонкулович
доктор филологических наук, профессор

Шахобиддинова Шохида Хошимовна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «23» декабря 2021 г. в 14 часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, город Бухара улица М. Икбола, дом 11. Тел.: +99865 221-29-14, факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-реферном центре Бухарского государственного университета (зарегистрировано за № 12/11) (Адрес: 200118, город Бухара, улица М. Икбола, дом-11. Тел.: +99865 221-29-14)

Автореферат диссертации разослан «13 декабря» 2021 года.

(Реестра протокол № 11 от «13 декабря» 2021 года.)



Д.С.Ураева

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор филологических наук,
профессор

Ш.Г.Давронова

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор филологии по филологическим
наукам (DSc), доцент

Г.Н.Муродов

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор
филологических наук (DSc),
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc)

